

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

АҚОИД МАТНЛАРИ

Нашрга тайёрловчи ва таржимон:

Шайх Абдулазиз Мансур

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси

Тошкент — 2006

Маълумки, ўрта асрларда калом илми диний-фалсафий фикрлар, исломнинг назарий асосларини ўрганиш ва унинг ақидаларига эътиқод қилиш борасидаги илмларни ифодалаган. Шунингдек, бу илм исломдаги турли фирқа ва оқимларнинг Қуръон ҳамда Сунна таълимотини ақл-идроққа тобе этиш каби қарашлари, ўзаро мунозаралари натижасида шаклланган.

МУҚАДДИМА

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила

Ҳамду сано ул Холиқи доногаким, бизларни ақлу нутқ ила сарафроз ва илму маърифат ила эъзоз этибдур. Яна, салавоту саломлар ул рисолатпаноҳ Расулигаким, суннати саниялари шарофатидан имону ақидаларимизга софлик ва ахлоқу амалларимизга поклик етибдур.

Аммо баъд, ақлу дониш ва маърифат аҳлига махфий эмасдурким, ақоид илми диний фанлар онаси ва илмий мавзулар дурдонасидир. Ани дилга жо қилмай туриб, ибодат ва амалларга ружу қилмоқ комил бандалик эмас, балки айни шармандалиқдир. Шу боисданму Шайх Сўфи Аллоёр демишлар:

*Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса елдир.*

Бинобарин, ушбу замони саодатда бунчалик хўб фурсат етибдурким, мазкур фан асосчиси, Аҳли Сунна вал-Жамоа пешвоси, мутакаллимлар имоми Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг таваллуд саналари муносабати ила ақоид фанининг юртимизда яна ривож топишига ишонч ва шу туфайли дилларда қувонч ҳосил бўлди.

Ушбу мўъжаз ва мухтасар рисоламизда Шайх Абу Мансур Мотуридий ва ул зот асос солган мотуридия ақидасига доир муҳим маълумотлар ва ақоид матнларидан тўрттасининг таржимасини тақдим этамиз.

ШАЙХ АБУ МАНСУР ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛЛАРИ

Тўлиқ исми шарифлари — Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий.

Мотурид — Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирининг номи. У ҳозирда бузилган шаклда Матрит дея аталади. Аслида эса, манбаларда айтилишича, қишлоқнинг номи арабча «Мо турид?» сўзидан олинган. Маъноси «Нима демоқчисан?»дир. Айтишларича, Шайх Абу Мансур калом илмига ружу қилган пайтларида шогирдлари кўпайиб кетган ва улар ўзаро баҳс қилганларида бир-бирларига араб тилида кўпинча «Мо турид?» деб мурожаат қилганлар. Шу сўз кўпчилик қулоғига тез-тез чалинавергач, Шайх шогирдларини мотуридийлар, қишлоқ номини эса Мотурид деб атай бошлаганлар (Зарнужий. «Таълим ал-мутаъаллим» шарҳи).

Насаблари Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келганларида ўз уйдан жой берган машҳур саҳобий - Абу Айюб Халид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Ансорий ҳазратларига бориб етади, деб нақл қиладилар. Бу нисбатни баъзи муаррихлар рад этганлар.

Туғилган йиллари ҳақида тарихий манбаларда қатъий маълумот йўқ, лекин тақрибий ёки тахминий саналар берилган. Масалан, унинг аббосий халифалардан Мутаваккил (232-247х.) даврида яшаганлари аниқ. Яна, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий (ваф. 248 х.) ва Насир ибн Яҳё ал-Балхий (ваф. 268 х.) каби устозларидан сабоқ олганликларини назарда тутилса, Шайхнинг туғилган йилини 238 х. деб тахмин қилиш мумкин.

Лекин бошқа манбада, аниқроғи «Ислом» қомусида туғилган йиллари 870 милодий йил деб кўрсатилган. Шунга асосан 2000 йилда таваллудларининг 1130 йиллиги нишонланди. Бу ҳисобга кўра, Шайх таваллудлари 257 х. йилга тўғри келади.

Вафот этган саналари тўғрисидаги маълумотларнинг энг ишончлиси 333 х.й. ҳисобланади. Бу милодий сана бўйича 944 йилга тўғри келади.

Мотуридия уламоларининг энг машҳурларидан Абу Муин ан-Насафий (438-508 Ҳ./1046—1114 м.) ўзларининг «Табсиратул-адилла» китобида шундай ёзадилар: «Абу Мансур Мотуридий вафот этганларида яқин шогирдларидан бири Абул-Қосим ал-Ҳаким унинг қабр тошига қуйидаги битикни ёздирган экан:

Яъни: «Бу қабр нафаслари микдоридagi илмларни ўзида жам этган, бор кучини у илмларни тарқатиш ва ўргатиш билан тугатган, бас, шунинг учун диний асарлари мақтовга сазовор бўлган ва ўз умридaн серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир».

Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг қабри Самарқанд шаҳрининг Чокардиза қабристонида эканлиги ишончли манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида ўз тасдиғини топди. Шунга биноан 2000 йилнинг май ойида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан бу хусусда махсус фатво чиқарилди.

Илмий унвонлари:

- Имомул-худо (Ҳидоятга элтувчи имом);
- Қудвату Аҳлис-сунна (Аҳли Суннат пешвоси);
- Мусахҳиҳу ақоидил-муслимин (Мусулмонлар ақоидини ислоҳ этувчиси);
- Имомул-мутакаллимин (Калом илми олимларининг пешвоси);
- Рабибу Аҳлис-сунна (Аҳли Сунна вал-Жамоа тарбиясини олган);
- Ал-Имом аз-Зоҳид (Дунёни тарк этган имом);
- Аш-Шайх ал-Имом ва ҳоказо.

УСТОЗЛАРИ (шайхлари)

Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари ёки шайхлари Имом Аъзам Абу Ҳанифа —

Нўмон ибн Собитнинг шогирдлари ҳамда шогирдларининг шогирдлари бўлганлар. Улардан баъзиларини эслатиб ўтаемиз:

1. Абу Наср ал-Иёзий (Аҳмад ибн Аббос). Бу зот Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжонийдан таълим олганлар. Шайх Абу Мансур ҳам фикҳ дарсида Абу Насрга шерик бўлиб, ал-Жузжонийда ўқиганлар. Ал-Иёзий сомонийлар даврида дорул-ҳарбда асир ҳолида турк диёрида шаҳид бўлганлар («Тарихи Самарқанд»дан).

2. Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий. Рай шаҳрининг қозиси бўлган бу зот Абу Ҳанифанинг шогирди — Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Шайбонийда ўқиганлар. Машҳур муҳаддис саҳобий Вакеъ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Имом Бухорий ҳам ундан ҳадис тинглаганлар. Ҳаким Термизий ҳам у зотдан ҳадис ривоят қилганлар. Вафотлари тўғрисида 248 ҳ. ва 242 ҳ. йил каби саналар кўрсатилган.

3. Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Жузжоний. Бобосининг исми Субҳ ёки Субайҳ эканида муаррихлар ихтилоф қилганлар. Бу зот фикҳ илми усуллари ва фуруълари соҳасида, шунингдек, анвои фунунда юқори даражаларга эришганлар. «Ал-Фуруқ ват-Тамйиз», «Тавба» ва бошқа китоблар муаллифидирлар.

Абу Бакр ал-Жузжоний Абу Ҳанифанинг йирик шогирдларидан Муҳаммад ибн Ҳасан ҳузурида дарс тинглаган Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан сабоқ олган. Вафотлари 268 ҳ. йилда.

4. Насир ибн Яҳё ал-Балхий. Бу зот ҳам мазкур шайхлари каби Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Абу Мутъ ал-Ҳаким Абдуллоҳ ал-Балхий ва Абу Муқотил Ҳафс ас-Самарқандийдан сабоқ олган ҳанафий мактабига мансуб фикҳ ва калом уламоларидандир. Вафотлари 268 ҳ. йилда воқеъ бўлибдур.

ШОГИРДЛАРИ

Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари ақида фанидаги сунний - ҳанафий йўналишини давом эттириб, кўп изланишлардан кейин мотуридия мактабига асос солдилар. Шу аснода кўплаб шогирдларини етиштириб чиқарганлар. Қуйида улардан баъзи машҳурлари тўғрисида қисқача маълумот берамиз:

1. Абул-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Зайд ал-Қозий — ал-Ҳаким ас-Самарқандий (вафоти 335 ёки 342 ҳ. й. Чокардиза қабристонида дафн этилган).

У Шайх Мотуридийнинг энг йирик шогирдларидан бири бўлиб, тасаввуф илмини Балх машойихларидан, фикҳ ва калом илмини Шайх Абу Мансур ҳазратларидан олган. Узоқ вақт Самарқандда қозилик вазифасини ўтаган.

Асарларидан «Саводи аъзам», «Имон» рисоласи машҳурдир.

2. Абул-Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуфағний ас-Самарқандий. Ҳанафия фикҳи ва усули бўйича шўҳрат қозонган. У билан устози Шайх Мотуридий ўртасида мужтаҳид хатосига оид масалада ихтилоф кечган. «Иршодул-муҳтадий», «Аз-завоид вал-фавоид», «Ал-асъилату вал-ажвиба», «Баёнус-Суннати вал-Жамоа» каби асарлар муаллифидир. Вафоти 350 ҳ./ 961 м.й.

3. Абу Муҳаммад Абдул-Карим ибн Мусо ибн Исо ал-Паздавий. Насафдан олти фарсах узоқликдаги Пазда ёки Паздава қишлоғидан. Асосан, фикҳ илмида машҳур бўлган. Унинг зурриётдан йирик мотуридия уламолари дунёга келган. Масалан, Абул-Йуср ал-Паздавий (вафоти 493 ҳ./1100 м.й.), Абул-Ҳасан ал-Паздавий (вафоти 482 ҳ./1089 м.й.) шулар жумласидандир. Ўзи 390 ҳ./999 м. йилда вафот этган.

4. Абу Аҳмад ибн Аби Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ал-Иёзий. Абу Мансур ҳазратларининг устозлари Абу Наср ал-Иёзийнинг ўғли. Фикҳ, нутқ, ифбат ва тақвода беназир бўлгани ҳақида нақл қилинади.

5. Абу Абдир-Раҳмон ибн Абил-Лайс ал-Бухорий. Калом ва фикҳ илмларини Абу Мансур ҳазратларидан олган. У Абул-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий билан кўп вақт биргаликда таҳсили илмда бўлган.

МОТУРИДИЯ УЛАМОЛАРИ

1. Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Паздавий. Абул-Йуср Муҳаммад ал-Паздавийнинг акаси. Иккиси ҳам Шайх Абу Мансурнинг яқин шогирдларидан саналмиш Абдул-Карим ал-Паздавий авлодидан. Абул Ҳасан 483 Ҳ./1089 м. йилда вафот этган.

2. Абул-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдил-Карим ал-Паздавий. Ал-Крзий ас-Садр деган унвон билан танилган. 421 Ҳ. йилда туғилган. Имом Киндий каби файласуфларнинг фалсафасини ва мўътазилийлар ёзган китобларни ҳатто уйда сақлаш ҳам зарарли деб билар эди. Зеро, уларни мутолаа қилиб кўриб, шундай хулоса ҳосил қилганди. Ҳатто, Абул-Ҳасан Ашъарий китобларини ҳам хатоларини ажрата олмайдиган кишилар ўқиши дуруст эмас деб билар эди. Усул ва фуруъ бобида кўп китоблар тасниф этган. Самарқандда қозилик қилган ва ҳадис илмидан дарс ҳам берган. «Усул ад-дин», «Ал-Мураттиб», «Ал-Воқеот», «Ал-Мабсут» каби асарлари бор.

Шогирдлари Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Усмон ибн Али ал-Пойкандий, Аҳмад ибн Наср ал-Бухорий, ўз ўғли Қозий Абул-Маолий Аҳмад ва бошқалар. 493 Ҳ. йилда вафот этган.

3. Абул-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муътаmid ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Макҳул Абил-Фазл ан-Насафий. 438 Ҳ. да туғилиб, 508 Ҳ. йилда вафот этган. Устозлари номаълум. Шогирдлари - Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий, Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Соғаржий, Абдур-Рашид ибн Аби Ҳанифа ал-Валволижий. Имом Ғаззолий билан Боқиллоний ашъария ақидасининг энг машҳур ташвиқотчилари саналганидек, Абу Муъин ан-Насафий мотуридия ақидасининг энг йирик намояндаларидандир. Китобларидан «Табсиратул-адилла», «Баҳрул-калом», «Тамҳид», «Маноҳижул-аимма» ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

4. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон Нажмиддин ан-Насафий. Насафда 461 Ҳ. йилда туғилиб, 537 Ҳ.й.да вафот этган. У 550 нафар йирик устозлардан дарс тинглаган. Улардан Абул-Йуср Паздавий, Абдуллоҳ ибн Али ибн Исо ан-Насафий, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳасан ас-Самарқандий, Али ибн Ҳасан ал-Мотуридийларни мисол келтириш мумкин. Устоз ва шайхлари тўғрисида алоҳида бир китоб ҳам таълиф этган.

Шогирдларидан — ўз ўғли Абул-Лайс Аҳмад ибн Умар, Муҳаммад ибн Иброҳим Тўрпуштий, Умар ибн Муҳаммад ибн Умар Ақилий ва бошқаларни зикр этиш мумкин.

У юзга яқин асарлар ёзган. «Ат-тайсир фи тафсирил Қуръон», «Шарҳи Саҳиҳи Бухорий», «Ал-акмал ал-атвал фит-тафсир», «Китобул-қанд фий уламои Самарқанд», «Тарихи Бухоро», «Ал-ақоид ан-насафия» рисоласи кичик ҳажмда бўлишига қарамай, ҳозирги кунгача ақида фанида энг машҳур қўлланма вазифасини бажариб келаётир.

5. Абул-баракот Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий. Насаф шаҳрида туғилиб, 701 Ҳ. йилда вафот этган. Машҳур асарлари — «Мадорикут-танзил» тафсири, фикҳга доир «Канзуд-дақоик» китоби, «Ал-Вофий» ва «Ал-Кофий» ва бошқалар.

6. Аҳмад ибн Аби Бакр Нуриддин ас-Собуний ал-Бухорий 580 Ҳ. йилда вафот этган ва Бухородаги «Етти қози» қабристонига дафн этилган. Муҳаммад ибн Абдис-Саттор ал-Кардарий унинг шогирдидир. Китобларидан «Ал-Ҳидоя фи илмил-калом» ва унинг шарҳи диққатга сазовордир.

7. Муҳаммад ибн Абдил-Воҳид ибн Абдил-Ҳамид ибн Масъуд ибн Ҳамидиддин ибн Саъидиддин (ал-Камол ибн ат-Ҳумом) ас-Сивосий ал-Искандарий ал-Қоҳирий ал-Ҳанафий. 788 ёки 780 Ҳ. йилда туғилиб, 861 Ҳ. йили Қоҳирада вафот этган, исломий фанларнинг аксариятида имтиёз ҳосил қилган. «Ал-Ҳидоя» китобини Сирожиддин Умар ибн Али (Қорил-Ҳидоя) да ўқиган. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалонийдан ҳадис тинглаган. Ақлу заковатда устозларини ҳам лол

қолдирган.

Асарлари кўп. «Ал-Ҳидоя»га ёзган «Фатҳал-Қадир» номли шарҳи йирик тўққиз жилддан иборат бўлиб, у Камол ибн Ҳумомнинг шоҳ асари ҳисобланади. «Ал-Мусояра» китоби мотуридия ақидасига доир бўлиб, энг муҳим манбалардандир.

8. Мулло Али (Қорий) ибн Султон – Муҳаммад ал-Ҳиравий ал-Маккий (Абул-Ҳасан, Нуриддин). 1014 ҳ. йилда Макка шаҳрида вафот этган ва «Жаннатул-Муалло» қабристонида дафн этилган.

Асарлари жуда кўп. Машҳурлари - «Мишкот» шарҳи - «Мирқот», «Мухтасарул-Виқоя» шарҳи, «Фикҳи акбар» шарҳи, «Омолия» шарҳи, «Шотибия» шарҳи, «Мавзу ҳадислар» ва ҳоказо.

Ҳуснихат соҳиби бўлганидан Али Қорий ҳар йили бир нусха Қуръони карим кўчириб, сотиб, йил давомида шу даромад билан кун кечирган.

9. Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Абу Муҳаммад Сирожуддин ал-Ўший ал-Фарғоний.

Кўплаб асарлар муаллифи. Мотуридия ақидасини назмий услубда ёзиб, уни «Бадъул-амолий» деб номлаган. Вафоти 569 ҳ./1173 м. йилда.

10. Абуш-Шакур ас-Солибий (Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Саъид ибн Шуъайб ал-Кеший).

Ас-Солибийнинг мотуридия ақидасига оид «Ат-Тамҳид» номли китоби уламолар ўртасида машҳур бўлиб, ёзма ва босма нусхалари бизгача етиб келгандир.

Мотуридия ақидасига асосланиб ижод қилган ва бебаҳо асарлар қолдирган уламолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин бу мухтасар рисоламизда унинг ўрнига ақидамизга оид бошқа муҳимроқ маълумотларни тақдим этишни маъқул топдик.

АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙНИНГ АСАРЛАРИ

1. «Таъвилоту аҳлис-Сунна» ёки «Таъвилотул-Қуръон». Саккиз мужалладдан иборат бу асар Қуръони каримнинг тафсири бўлиб, унда асосан, исломий ақидага нисбатан турли қарашлар баён этилиб, мотуридия ақидаси асосида уларга баҳо берилган. Тафсирни ал-Мотуридийнинг шоҳ асари деб аташ мумкин. Унинг қўлёзма нусхалари Миср, Макка, Дамашқ, Ҳиндистон, Туркия ва Тошкент кутубхоналарида сақланмоқда. Тошкент нусхалари тақрибан 700 йил бурун кўчирилган. Асарнинг биринчи жилди Мисрда нашр этилган.

Тафсирга Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий шарҳ ёзган. Бу шарҳ қўлёзмаси ҳануз чоп этилмаган.

2. «Китобут-тавҳид». Калом илмига оид энг муҳим асар. Мотуридия ақидасига оид барча асарларнинг энг биринчи ва асосий манбаси саналади. Асар ҳозирда ўзбек тилига ўғирилмоқда.

3. «Шарҳул-фикҳил акбар». Абу Ҳанифа ан-Нўмон (Имом Аъзам) қаламига мансуб ақида бобида битилган илк асар «Ал-Фикҳул-акбар»нинг шарҳи. Баъзи олимлар бу шарҳ Шайх Мотуридийга тегишли эмас, балки у Абул-Лайс ас-Самарқандийга мансуб дейдилар.

4. «Рисола фил-ақида». 1953 йилда Анқарада чоп этилган.

5. «Рисола фил-имон».

6. «Ал-мақолот».

7. «Баёну ваҳмил-мўътазила».

8. «Радду таҳзибил-жадал».

9. «Радду ваидил-фуссоқ».

10. «Радду авоилил-адилла».

11. «Раддул-усулул-хамса».

12. «Аррадду алал-қаромита».

13. «Раддул-имом».

14 «Маъхазуш-шариъа».

15. «Китобул-жадал».

Мазкур китобларнинг охирги иккитаси фикҳга доир, қолганлари ақидавий масалаларга бағишланган.

МОТУРИДИЯ НАЗАРИЯСИНING ЎРТАҲОЛЛИГИ

Аввало, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мотуридия ақоидини фақат Абу Мансур Мотуридийнинг ўзи ихтиро қилган эмас. Балки ақоиднинг асослари, арконлари ва бандлари унга ҳам маълум даражада шаклланган эди. Ақида илми тобеъинлар давридан бошлаб, яъни ҳижратнинг иккинчи асрида мустақил фан сифатида зоҳир бўла бошлаган. Машҳур тобеъинлардан Ҳасан Басрий (21-110 ҳ.) ақида масалалари бўйича дарс айтгани, мўътазила оқимининг бошланиши ҳам ўша пайтда рўй бергани тарихий манбалардан маълум. Абу Ҳанифа (Имом Аъзам) яшаган даврда эса ислом ниқоби остида турли оқим ва фирқаларнинг юзлаб турлари юзага келганди. Улар билан курашиш учун эса ақида мустаҳкам бўлиши зарур эди. Бундай долзарб масалага Абу Ҳанифа бефарқ қараб тура олмаганлар, балки ақида фанига оид биринчи асар - «Фикҳи акбар», Усмон ал-Баттий (ал-Бустий)га ёзган раддияси, бешта васиятномасини ёзиб қолдирганлар. Демак, мазҳабимиз асосчиси Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (раҳматуллоҳи алайҳ) нафақат фуқоҳолар пешвоси, балки ақида ва илми каломга ҳам асос солган буюк сиймолардан бўлганлар.

Шайх Абу Мансур ҳазратлари диний таълимни ҳанафия уламоларининг кўзга кўринган машҳур намояндаларидан олганлари ва диний фанлар бўйича қанчалик чуқур билимга эга эканликларига ёзиб қолдирган асарлари гувоҳлик беради.

Шайх яшаган даврда ақида уламолари икки асосий манбага суянганлар. Биринчиси — оят ва ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеъинларнинг ижмо ва иjtиҳодлари, яъни нақлий далиллар. Иккинчиси — ақлий далиллар. Шайх Абу Мансур эса бошқаларга тақлид қилмадилар, балки нақлий далиллар билан ақлий далилларни уйғунлаштириб, ундан сўнг хулоса чиқардилар. Ақлий далил деганда фалсафа, мантиқ ва табиий фанлар кўзда тутилади. Ваҳоланки, салаф уламоларининг кўпчилиги бу далилларни тан олмас эдилар, балки нақлий далилларнинг ўзи билан кифояланардилар. Шайхимиз эса, бу иккисидан ҳам муносиб равишда истифода этиб, ўртаҳолликни ихтиёр қилган эканлар. Дарҳақиқат, нақлий далилларни яхши англаш учун ақлий далилларни ҳам пухта билиш шартлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ақл имкониятининг ҳам чегараси борлигини эътиборга олиб, Шайх кўп жойларда инсон ақли жуда кўп ҳақиқатларни идрок этишга қодир эмаслигини уқдириб ўтадилар. Шу билан бирга, ақлнинг Аллоҳ томонидан ато этилган энг буюк мислсиз неъмат экани, ундан оқилона фойдаланиш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтадилар.

ИСЛОМ УММАТИНИНГ ОҚИМЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) огоҳлантириб айтганларки: «Яҳудийлар 71 фирқага, насронийлар 72 фирқага бўлиниб кетган эдилар. Менинг умматим 73 фирқага бўлингайлар. Улардан биттасигина нажот топиб омон қолур, қолганлари эса дўзах аҳлидирлар» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бу мўъжизавий башоратлари вафотларидан кейин ўз тасдиғини топди. У фирқалардан қадария, муржиа ва хаворижларни ўз ҳадиси шарифларида номма-ном келтириб, улардан ҳазарда бўлишни васият ҳам қилганлар.

Хулафои рошидинлар замонидан то Имом Мотуридий замонасигача, асосан, қуйидаги фирқа ёки оқимлар пайдо бўлиб, уммати муҳаммадия ўртасига тафриқа солиш ва руҳий ҳаётларини фитна ва фасод билан тўлдиришга ҳаракат қилган эдилар.

Улар — қадария, муржиа, хавориж, шиа, мўътазила, равофиз (рофизийлар), сабаия,

зирория, жаҳмия, ботиния, қаромита, хуррамия, карромия (мужассима), жорудия, сулаймония (жаририя), бутрия, баёния, муғирия, жаноҳия, мансурия, хаттобия, ҳулулия, азориқа, нажадот, суфрия, ажорида, хозимия, шаҳбия, маълумия, мажҳулия, маъбадия, рашидия, мукаррамия, ҳамзия, иброҳимия, воқифа, ҳафсия, ҳорисия, язидия, маймуния, мўътазила фирқаларидан — василия, амрия, ҳузалия, наззомия, мурдория, маъмария, самомия, жоҳизия, хобития, ҳимория, хатотия, шахламия, асҳоби Солиҳ қубба, марисия, каъбия, жуббоия, баҳшамия, муржиа фирқаларидан — Абу Шимр, Муҳаммад ибн Шабиб ва Холидий фирқалари, яна муржиага — юнусия, ғассония, савбония, сумания, марисия, нажжориялардан — бурғусия, заъфарония, мустадрика, карромийлардан — ҳақоиқия, тароиқия, исҳоқия.

Демак, зикр этилганлардан 20 фирқа рофизийлар, 20 фирқа хаворижлар, 20 фирқа қадарий ва муржиалар, 12 фирқа қолган нажжория, бакрия, зирория, жаҳмия, карромия каби оқимларга тақсимлаб чиқилса, умумий сони ҳадиси шарифда айtilган 72 та адашган фирқаларнинг ададига тўғри келиб қолади.

73-фирқа эса, Аҳли Сунна вал-Жамоа дея аталувчи мазкур ҳадиси шарифда қайд этилган ноҳия (нажот топувчи) фирқадириким, Абу Ҳанифа (Имом Аъзам), Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад, Авзоий, Саврий каби буюк мужтаҳид алломалар ва уларнинг издош ва маслакдошлари унга мансубдирлар. Кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу саодатманд жамоага Жаноб Расули акрам (с.а.в.) дан тортиб, саҳобаи киромлар, тобеъинлар, табаа тобеъинлар, фикҳий мазҳабларнинг асосчилари каби мужтаҳидлар, муҳаддислар, араб тили наҳви ва адабиёти намояндалари, қироат ва тажвид ровийлари, тасаввуф шайхлари, аҳли тариқатлар, шуҳадою, солиҳу зоҳид бандалар ҳамда турли бузуқ оқимларга эргашиб, оғиб кетмаган мусулмонлар кирурлар.

МОТУРИДИЯ АҚИДАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Юқорида зикр этганимиздек, мотуридия ақидасига доир масалаларни шайх Мотуридийнинг якка ўзлари тузиб, тартибга солган эмаслар, балки ул зотга қадар ҳам Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси шаклланиб улгурган эди. Мотуридий ҳазратларининг хизматлари шундан иборат бўлганки, ўша даврдаги ақидавий оқимларнинг таъсирини қирқиш, уларнинг иддаоларига раддия бериш, кучли ва асосли далиллар билан ҳақиқий ислом ақидасини ҳимоя қилиш, илми калом, мантиқ ва мунозара қоидаларига риоя қилган ҳолда хасмлар жаҳолатига илму маърифат билан жавоб қайтариб, чин ихлосли мусулмонлар учун ақидага доир муҳим қўлланмалар тайёрлаб беришни ният қилган эдилар.

Маълумки, Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси ўша даврда учта буюк шахс томонидан ҳимоя қилинган ва асосий рукнлари ишлаб чиқилиб, шогирдлари ва китоблари орқали мусулмонларга тақдим этилган эди. Улардан биринчиси — Абул Ҳасан Ашъарий (260— 331 ҳ.) Бағдодда, иккинчиси — Абу Жаъфар Таҳовий Мисрда ва Абу Мансур Мотуридий Мовароуннаҳрда сунний ақиданинг ҳимоячилари сифатида ислом тарихида чуқур из қолдирдилар.

Биз — мотуридийлар учун яхши билиб, доимо назарда тутиб юриш зарур бўлган бир неча муҳим масалалар бор. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мотуридия ақидаси билан Ашъария ақидаси ўртасида бир неча масалаларда қарама-қаршиликлар бор. Уларни баъзи олимлар 15 та, бошқалари 40 та, ҳатто, 50 тагача санаб етказганлар. Улардан асосийлари — Аллоҳнинг сифатларини зотий ва феълий сифатларга бўлиш, сифатлари айни зотми ёки ғайри зотлиги, Мусо (а.с.) Аллоҳнинг каломини бевосита эшитганми ёки билвоситами, ирода билан ризо бирми ёки тафовутлими, Аллоҳни кўриш жоизлигига Ашъарий ақлий далил келтирган, Мотуридий нақлий, қабиҳ ишнинг содир этилиши бандаданми ёки у ҳам Аллоҳданми — бунга Мотуридий хусну қубҳ ҳаммаси Аллоҳдан, фақат беҳикмат эмас, дейдилар. Инсон ўз тоқатидан ташқари ишга тақлиф этилиши мумкин, деб Ашъарий, мумкин эмас, деб Мотуридий айтадилар. Шунингдек, Аллоҳни ақл билан таниш

вожибми ёки нақл биланми деган масалада Мотуридий ақл билан деганлар. Имон билан ислом бир нарса экани, бахтли ва бахтсиз инсонлар охир-оқибатда ўзгариб-алмашиб қолишлари мумкинлиги, қилинадиган яхши ва ёмон амаллар банданинг касби ва Аллоҳнинг яратиши билан ҳосил бўлиши, муқаллиднинг имони мақбул экани, имоннинг ўзи эмас, балки унинг нури, қуввати ортиб ёки камайиб туриши, имоннинг рукнлари иккита, яъни иқрор ва тасдиқдан иборат экани, амаллар имон таркибига кирмаслиги, балки савоблар ва гуноҳлар алоҳида ҳисобга олиниши каби масалаларда Имом Ашъарий бизнинг мотуридия ақидамизнинг хилофини тақрир этганлар.

2. Мотуридиянинг мўътазила ақидасидан фарқлари.

Аввало, билмоқ керакким, диний фанлар қаторига калом илмининг киришига асосий сабаб шу мўътазила тоифасининг ақлий мунозаралари ва қаршиликлари бўлган. Улар ашъария ёки мотуридия каби ақлни нақлий далиллардан кейинга эмас, балки биринчи ўринга қўйганлар. Ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто, оят ва ҳадисларни инобатга олмай, балки нусусни ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам Шайх Мотуридий ҳазратлари бошқа оқимларга қараганда кўпроқ мўътазила фирқасининг фикрларига қарши раддиялар билан чиққанлар. Уларнинг ақлий ва фикрий далилларини рад қилиш учун буюк ҳамюртимиз калом илми билан шуғулланишга тўғри келган ва у зот шу услуб билан Аҳли Сунна ақидасини ҳимоя қилишга муяссар бўлганлар.

Мўътазила фирқаларининг мотуридия ақидасига зид қарашлари, асосан, қуйидаги нуқталарда ўз аксини топади. Улар айтадилар:

1. Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса.

2. Аллоҳни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам кўриш мумкин эмас.

3. Қуръон — маҳлуқ. У азалий эмас.

4. Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб.

5. Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлиқ эмас. Феълларни банданинг ўзи яратади.

6. Қатл этилган киши ажалидан олдин ўлган бўлур.

7. Ҳалол — ризқ, лекин ҳаром — ризқ эмас.

8. Аллоҳнинг иродаси ҳодисдир, қадим эмас.

9. Аллоҳ фақат яхшилиқни ирода қилур. Ёмонлик унинг иродасидан ташқаридир.

10. Амаллар имоннинг таркибига кирур. Балки амал имоннинг асосий рукнидир.

11. Имон озайиб, кўпайиб турувчи нарсадир.

12. Гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр ўртасида қолур.

13. Кабира эгалари дўзахда абадий қолурлар.

14. Шафоат фақат яхши одамларга нисбатан қилинур. Гуноҳларни ҳеч ким шафоат этмас.

15. Жаннат билан дўзах ҳануз яратилмаган.

16. Қабрдаги азоб ёки роҳат, қиёмат тарозуси, Пулсирот, Ҳавзи Кавсар кабиларнинг ҳаммаси йўқ нарса.

17. Авлиёларда ҳеч қандай каромат бўлмайди.

18. Муқаллид (бошқаларга тақлидан мусулмонман деб юрувчи одам) нинг имони қабул қилинмайди.

Зикр этилган нуқталардан кўриниб турибдики, мўътазила фирқаси бизнинг мотуридия ақидамизга хилоф равишда алоҳида назарияга асос солганлар. Нозик ва қалтис жойи шу ердаки, мазкур 18 бандда айтиб ўтилган нарсаларда анча-мунча ақлли, зиёлилар, ҳатто, уламолар ҳам чалғиб кетишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ўзимизнинг сунний, ҳанафий, мотуридий ақидамизга оид китобларни кўп мутолаа қилиш ва дилга жо этиш энг зарур ишлардандир.

3. Сунний-ҳанафий мусулмонлар яна шуни яхши билиб олишлари керакки, ҳанафий мазҳабимизга ҳасад қилганларидек, мотуридия ақидамизга ҳам ҳасад кўзи билан қараш, унинг

шаънига тухмат-бўхтон ёғдириш жараёни ҳали ҳануз тўхтаган эмас. Ақида фанига оид ёзиб келинаётган асарларни мутолаа қилиб кўрсангиз, бунинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, араб дунёсида нашр қилинаётган асарларнинг деярли 90 фоизда мотуридия ақидасини бузиб кўрсатишлар, ҳатто, уни Аҳли Сунна жамоатига қўшмаган ҳолда зикр қилишлар, ашъария ақидасини эса, мутлақо камчиликларини кўрсатмаслик, балки уни ягона тўғри ақида деб талқин қилишлар учраб турибди. Бунга мисол қилиб Риёзлик араб ёзувчиси Аҳмад ибн Авазуллоҳ ибн Дохил ал-Лухайбийнинг «Ал-Мотуридия диросатан ва тақвиман» номли китоби, Доктор Маҳмуд Қосимнинг «Муқаддимат Ибнир-Рушд» китоби, Ваҳидуддинхон, Абдулҳалим Қунбус, Фатҳий Якан, Абдулжаббор («Ал-Муғний» муаллифи) каби ёзувчиларнинг асарлари, «Шарҳул-усулил-хамса» китоби ва бошқаларни келтириш мумкин.

Лекин ўзлари араб ёки ғарб ёзувчилари бўла туриб, мотуридия ҳақида инсоф билан ҳақиқатни ёзган олимлар ҳам мавжудлиги кишини қувонтиради. Бунга Шайх Мотуридий ва унинг илми каломга оид фикрлари тўғрисида каттагина бир китоб ёзган араб олими Доктор Али Абдулфаттоҳ ал-Мағрибийни, Абу Мансур қаламига мансуб «ат-Тавҳид» китобини таҳқиқ этиб, нашрга тайёрлаган олим Доктор Фатҳуллоҳ Хулайф ва немис олими Ульрих Рудольфни мисол қилиб келтирса бўлади. Улар шайх Абу Мансур Мотуридий ва унинг меросини холисона баҳолаганлар.

* * *

Толиби илмларга тавсия этамизки, ушбу мажмуадан жой олган бешта рисола пухта ўзлаштириб, диний ҳаётларида улардан фойдалансинлар, токи эътиқодлари мустаҳкам бўлиб, турли ёт оқимлар таъсиридан холи бўлгайлар. Тавфиқни эса, Ўзидан сўраймиз.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ноиби.

«ФИҚҲИ АКБАР» КИТОБИ

Муаллифи — Иломда эътироф этилган тўртта фикҳий мазҳабларнинг биринчиси, яъни ҳанафий мазҳабининг асосчиси, Абу Ҳанифа — Нўъмон ибн Собит (Имоми Аъзам). 80 ҳижрий/699 милодий йилда Ироқнинг Кўфа шаҳрида туғилиб, 150 ҳижрий/767 милодий йилда Бағдодда вафот этганлар. Мазҳабимиз Имоми тўғрисида зиёда таърифга ҳожат йўқдир. Зеро, ул зотнинг фазлу фазоиллари барчага ойдек равшандир.

«ФИҚҲИ АКБАР»

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила

Тавҳид илмининг асли ва тўғри деб эътиқод қилишга сазовор маълумотлар қуйидагилардан иборат:

Ҳар бир мусулмон киши дили билан тасдиқ этган ҳолда тили билан ушбуларни айтиши вожибдир:

Аллоҳга, Унинг фаришталарига, илоҳий китобларига, юборган пайғамбарларига, ўлгандан кейин қиёматда тирилишига, Ўзи белгилаган яхши-ёмон тақдирга ҳақ ва рост, деб имон келтирдим. Охиратдаги ҳисоб-китоб, амаллар тарозиси, жаннат, дўзах барчаси ҳақдир.

Аллоҳ таоло бирдир, лекин санок сон жиҳатидан эмас, балки унга ҳеч қандай шерик йўқлиги жиҳатидандир. Чунончи, «Ихлос» сурасида Ўзи демишким: «(Эй, Мухаммад), **айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожатбарордир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир».**

У ўзи яратган нарсалардан бирортасига ўхшамас. Унга ҳам бирор нарса ўхшаш эмас. Ўзининг зотий ва феълий сифатлари билан азалдан бор бўлган ва абадий бор бўлур. Зотий сифатлари — ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода. Феълий сифатлари — халқ этиш, ясаш ва бошқа шу мазмунга далолат қилувчи сифатлар. У ўзининг барча исм ва сифатлари билан биргаликда доим бўлган ва абадий бўлажак. Унга бирор исм ёки сифат кейин қўшилиб қолган эмас.

Шунингдек, У Ўз илми билан олимлигича ҳамон келмоқдаким, илм Унинг азалий сифатидир. Қудрати билан қодирлигича ҳамон келмоқдаким, қудрат Унинг азалий сифатидир. Каломи билан гапирувчи ҳолида келмоқдаким, калом Унинг азалий сифатидир. Халқ этиши билан холиқлигича ҳамон келмоқдаким, халқ этиш Унинг азалий сифатидир. Иш қилиш (феъл) билан иш қилувчи (фоил) ҳолида ҳамон келмоқдаким, феъл Унинг азалий сифатидир. Демак, феъл эгаси — Аллоҳ, феъл Унинг азалий сифатидир, феълнинг маҳсули — яратилган (маҳлуқ), Унинг феъли эса яратилувчи эмас. Шунингдек, унинг барча сифатлари азалдан пайдо қилинган ҳам, яратилган ҳам эмас. Кимки, уларни яратилган ёки пайдо қилинган деса ёки (сўралганда) жим туриб қолса ёхуд у тўғрида шак қилса, у Аллоҳга кофир бўлур.

Қуръон — Аллоҳнинг каломи. У мусҳафларда битилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган, Мухаммад алайҳиссаломга нозил қилинган. Қуръон билан қилган талаффузимиз, уни ёзган битигимиз, уни қилган қироатимиз маҳлуқ (яратилган) дир, лекин Қуръон маҳлуқ эмасдир.

Қуръондаги Аллоҳ таолонинг Мусо ва бошқа пайғамбарлар (алайҳимуссалом), Фиръавн ва Иблис тўғрисида зикр этган қиссаларининг барчаси Аллоҳнинг каломидир. Аллоҳнинг каломи ғайри маҳлуқ. Мусо ва бошқа яралганларнинг каломи маҳлуқдир. Қуръон эса уларнинг эмас, балки Аллоҳнинг каломидир.

Аллоҳнинг Ўзи Қуръонда хабар берганидек, Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг каломини

эшитган. Мусога гапирмай туриб ҳам Аллоҳ таоло мутақаллим (гапирувчи) эди. Барча мавжудотни яратмай туриб ҳам У холиқ (яратувчи) эди. Унинг мислидек нарса йўқдир ва У эшитувчи, кўрувчидир.

Аллоҳ таоло Мусо (а.с.)га сўзлаган пайтда азалдан ўз сифати бўлиб келган каломи билан сўзлаган. Унинг барча сифатлари махлуқотларнинг сифатларидан тубдан фарқ қилади, яъни У билади, лекин биз билгандек эмас. Қудрати бизнинг қудратимиздек эмас. Кўради, лекин биз кўргандек эмас. Эштади, лекин биз эшитгандек эмас. Гапиради, лекин биз гапиргандек эмас. Биз тил, оғиз, лаб каби воситалар ва ҳарфлар билан гапирамиз. Аллоҳ таоло воситасиз, ҳарфларсиз гапиради. Ҳарфлар махлуқ, Аллоҳнинг каломи эса, ғайри махлуқ.

Аллоҳни нарса деб аташ мумкин. Лекин ўзга нарсалардек тасаввур қилмаслик шарти билан. Уни нарса деганда жисмсиз, моддасиз, модданинг сифатларисиз, чегарасиз, акссиз, тенгсиз, мислсиз деб билмоқ керак бўлади.

Қуръонда Ўзи зикр этганидек, Аллоҳнинг қўли, юзи, нафси (Ўзи) бор деб биламиз. Булар Унинг сифатларидан, лекин қандай, қанақа дейилмас. Ҳатто, қўли-қудрати ёки неъмат ҳам деб таъвил этилмас. Акс ҳолда унинг бир сифатини йўққа чиқарилган бўлур. Бу эса қадарийлар ва мўътазиллийлар сўзидир. Биз айтамызки, қўли ўзига хос, кайфиятсиз сифатдир. Шунингдек, Унинг ғазаби ва ризоси ҳам ўзига хос кайфиятсиз сифатларидандир.

Аллоҳ таоло борлиқни яратганда уни бирор нарсадан олиб яратган эмас. Аллоҳ барча нарсаларни яратмасдан олдин ҳам азалдан билур эди. Барча нарсаларнинг тақдир ва қазосини Унинг ўзи белгиллаган. Бу дунё ва охирадаги ҳар бир нарса фақат унинг хоҳиши, илми, қазоси, қадари, Лавҳул-маҳфузга ёзиб қўйилиши билан бўлур. Лекин ёзиб қўйиши тавсиф йўли биландир, ҳукм йўли билан эмас, яъни мажбурий эмас. Қазо, қадар ва хоҳиш — Аллоҳнинг азалий сифатлари. Фақат уларнинг моҳият ва кайфияти бандасига маълум эмас.

Яратилмаган нарсани Аллоҳ таоло яратмай туриб йўқ деб билгани каби, уни яратгандан кейин қандай ҳолатда бўлишини ҳам билур. Шунингдек, мавжуд нарсани Аллоҳ таоло мавжудлигидаги ҳолатни қандай билса, унинг йўқ бўлиб кетиш ҳолатларини ҳам шундай билур. Яна Аллоҳ таоло тик турган кишини тиккалик ҳолатини қандай билса, у ўтиргач, ўтирган ҳолатини ҳам шундай билиб турур. Лекин бу билан Унинг илми ўзгариб қолмайди ёки янги илм пайдо бўлиб қолмайди. Ўзгариш ва турланиш махлуқот ва мавжудотларда содир бўлур.

Аллоҳ таоло инсонларни яратганда куфр ва имондан холи қилиб яратган. Сўнгра уларни хитоб қилиб, баъзи нарсаларга буюрган, баъзи нарсалардан қайтарган. Шулардан кейин кимки куфрни танлаган бўлса, демак, у ўз ихтиёри билан ҳақиқатни инкор этгач, Аллоҳ толонинг тавфиқидан маҳрум ҳолда куфрни танлаган бўлур. Шунингдек, кимки имонни танлаган бўлса, у ҳам ўз ихтиёри, иқтидори, тасдиғи ва Аллоҳнинг тавфиқи ҳамда ёрдами билан имон келтирган бўлур.

Одам (а.с.)нинг пушти камарларидан қиёматгача дунёга келадиган зурриётларни майда заррачалар шаклида чиқариб, уларга ақл ато этди ва уларга хитоб қилиб, ўз тоатига буюрди, маъсиятидан қайтарди. Улар Аллоҳни Раббимиз деб иқрор этдилар. Бу уларнинг имони деб саналди. Бас, ҳар бир туғилган инсон авлоди шу фитрат (табиат) билан дунёга келур. Шундан кейин кимки куфрга кетган бўлса, демак, у мазкур имонни ўзгартирган бўлур. Ҳар ким имон келтириб, тасдиқ этган бўлса, демак, у барқарор қолибдур ва давом этибдур. Аллоҳ таоло ҳеч кимни куфрга ҳам, имонга ҳам мажбур этмагай. Шунингдек, ҳеч кимни мўъмин ёки кофир қилиб яратмагай. Балки инсонларнинг ҳар бирини мустақил шахс сифатида яратган. Имон билан куфр бандаларнинг ишидир. Аллоҳ таоло куфрга кетган кишини ўша пайтнинг ўзида кофир деб билади. Качонки, у шундан кейин яна имон келтирса, ўша пайтнинг ўзида уни мўъмин деб билади ва дўст тутати. Лекин унинг илми ҳам, сифати ҳам ўзгармаган бўлур.

Бандаларнинг ҳаракат ва сукунатларидан тортиб барча феъллари ҳақиқатан уларнинг касб ва фаолиятлари ҳисобланади, лекин уларни Аллоҳ яратади. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари билан юзага келади. Тоат ва савобли ишлар Аллоҳнинг амри,

муҳаббати, ризоси, илми, хоҳиши, қазоси ва тақдири билан амалга оширилур. Тоатсизлик ва гуноҳ ишлар эса, Аллоҳнинг илми, қазоси, тақдири ва хоҳиши билан амалга оширилса-да, Унинг муҳаббати, ризоси ва амри билан эмасдир.

Пайғамбарларнинг барчалари кичик ва катта гуноҳлардан, куфр ва қабих ишлардан покдир. Магар улардан баъзи саҳву хатоликлар содир бўлгани рост. Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг ҳабиби, бандаси, расули, набийси, сафий ва нақийсидирким, зинҳор санамларга сиғинмаганлар, бир лаҳза ҳам Аллоҳга ширк келтирмаганлар ва асло кичик ва катта гуноҳга қўл урмаганлар.

Пайғамбарлардан кейин одамларнинг энг афзали — Абу Бакр Сиддик, сўнгра Умар ибн ал-Хаттоб, сўнгра Усмон ибн Аффон, сўнгра Али ибн Аби Толиб (р.а.)дирлар. Улар ҳақ узра яшаб, ҳақ билан бирга ўтганлар. Уларнинг ҳаммасини дўст тутамиз. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг саҳобаларидан ҳеч бирига ёмонликни нисбат бермаймиз, балки яхшилик билан ёд этурмиз.

Бирор мусулмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи у қабира гуноҳ бўлса ҳам, башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз, уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир эмас.

Пойафзалга масҳ тортиш - суннат.

Рамазон ойи кечаларида ўқиладиган таровеҳ намози — суннат.

Ҳар қандай солиҳ ва фожир мўминга иқтидо қилиб намоз ўқиш жоиз.

Мўмин кишининг қилган гуноҳлари унга зарар қилмайди демаймиз. Яна уни дўзахга киритмайди ҳам демаймиз. Лекин у ерда абадий қолдиради ҳам демаймиз, ҳатто, у фосиқ бўлган тақдирда ҳам. Аммо дунёдан имонли кетган бўлиши шарт.

Барча савобли ишларимиз қабул қилинур ёки гуноҳларимиз кечирилур ҳам демаймиз. Лекин айтамикки, ҳар ким қайси бир савобли ишни барча шарт-шароити билан уни бузиб қўядиган айблардан холи ҳолда адо этган бўлса ҳамда дунёдан шу тарзда ўтган бўлса, албатта, Аллоҳ таоло унинг эзгу ишини зое кетказмайди. Балки уни қабул этади ва шунга яраша савоб ёзади.

Ширк ва куфрдан бошқа гуноҳларни қилган ва тавба қилмай туриб дунёдан мўмин ҳолда ўтган кишининг иши Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола — хоҳласа жазо беради, хоҳласа афв этиб, асло дўзах азобига дучор этмайди.

Риёкорлик ва манманлик билан қилинган ҳар бир хайрли ишнинг савоби бекор қилинур.

Пайғамбарларга берилган мўъжизалар ва авлиёларга ато этилган кароматлар ҳақ ва ростдир. Аммо ахборларда ривоят этилган Иблис, Фиръавн, Дажжол каби Аллоҳнинг душманларига берилган ва бериладиган ғайри табиий имкониятлар мўъжиза ҳам эмас, каромат ҳам дейилмайди, балки уларнинг ҳождатларини раво этиш деб саналади. Зеро, Аллоҳ таоло ўз душманларига уқубат сабаби бўлсин деб уларни ўз майлларига қўйиб беради ва ҳождатларини ҳам (вақтинча) раво этиб туради. Улар бундан мағрурланиб, тажовузкорлик ва куфрда давом этадилар. Буларнинг ҳаммаси жоиз ва мумкин ишлардандир.

Аллоҳ таоло яратмай туриб ҳам яратувчи (холиқ) эди. Ризқ бермай туриб ҳам розиқ эди.

Аллоҳ таоло охиратда кўринади. Мўминлар Уни жаннатда ўз кўзлари билан ташбеҳсиз, кайфиятсиз (бирор ҳолатсиз), кўрувчи билан Унинг ўртасида масофа бўлмаган ҳолда кўрурлар.

Имон - бу иқдор ва тасдиқдан иборатдир. Осмонлару Ер аҳлининг имонлари имон келтирувчи нарсалар жиҳатидан кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Аммо ишонч ва тасдиқ жиҳатидан озайиб-кўпайиб туради. Мўминлар имонда, тавҳидда, ўзаро тенгдирлар, аммо амалда бир-бирларидан ортиқ-камдирлар.

Ислом — бу Аллоҳнинг буйруқларига таслим ва итоат этишдир. Имон билан Ислом ўртасида луғавий жиҳатдан фарқ бўлса-да, лекин исломсиз имон, имонсиз ислом бўлмас. Уларнинг иккиси астар билан авра ёки ич билан таш кабидир. Дин эса имон, ислом ва шариат аҳкомларининг йиғиндисидир.

Аллоҳни барча сифатлари билан Китобида ўзи тавсиф этганидек ҳақиқий маърифат билан таниймиз. Лекин ҳеч ким Унга лойиқ, ҳақиқий ибодат билан ибодат қила олмайди. Бироқ Китобида буюрганидек, Расулининг суннатида кўрсатилганидек ибодат қилиши мумкин. Демак, барча мўминлар маърифат (Аллоҳни таниш)да, ишончда, таваккулда, муҳаббатда, ризода, хавфда, умидда ва имонда тенгдирлар. Бундан ташқари амалларда эса, бир-бирларидан фарқ қилурлар.

Аллоҳ таоло ўз бандаларига нисбатан фазлу карамли ҳамда адолатлидир: баъзида бандасига қилган ишига яраша эмас, балки неча баробар ортиғи билан савоб бахш этар. Гоҳида гуноҳига яраша жазо берур. Баъзан фазлига олиб, кечириб юборур.

Пайғамбарларнинг, шу жумладан, бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг гуноҳкор мўминлар жазога мустаҳиқ кабира гуноҳ эгалари ҳаққига қилажак шафоатлари ҳақ ва ростдир.

Қиёмат куни амалларнинг ўлчаниши, тарозу ҳақ ва ростдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳавзи Кавсарлари ҳақ ва ростдир.

Хасмлар ўртасида савоблари билан ҳисоб-китоб қилиниши, агар савоби бўлмаса, гуноҳларидан олиб берилиши ҳақ ва ростдир.

Жаннат ва дўзах шу кунда ҳам мавжуддир. Улар абадий, фоний бўлмайдилар. Жаннатнинг нозу неъматлари, ҳуру филмонлари ҳам абадий барҳаётдирлар. Аллоҳнинг жазоси ҳам, савоби ҳам абадий, туганмасдир.

Аллоҳ таоло хоҳлаган кишини ўз фазли билан ҳидоятга йўллар. Хоҳлаганини ўз адли билан залолатга қолдирур. Яъни ўз розилиги сари тавфиқ ато қилмас. Бу Унинг адолатидир. Шунингдек, мазкур бетавфиқни жазолаши ҳам Унинг адли ҳисобланур.

Мўмин кишининг имонини шайтон мажбуран суғуриб олмайди, балки банданинг ўзи имонни тарк этган пайтда у олиб қўйилади.

Қабрда Мункар ва Накир исмли фаришталарнинг кириб, марҳумдан савол сўрашлари ҳақ ва ростдир. Қабрда бандага руҳнинг қайтарилиши, қабрнинг кофирлар ва баъзи гуноҳкор мусулмонларни қисиши, уларнинг қабр азобини тортишлари ҳақ ва ростдир.

Уламоларнинг Аллоҳ сифатларини форс тилида (Арабчадан бошқа тилларда) зикр этишлари жоиздир. Аммо «яд» сўзини Аллоҳга нисбат берилганда форс тилида «Дасти Худо» — деб зикр этилмагай. «Аллоҳнинг юзи» деб айтиш жоиз, лекин ташбеҳсиз ва кайфийятсиз айтилиши шарт. Аллоҳнинг узоқлиги ва яқинлиги ўртасидаги масофанинг узун-қисқалиги билан изоҳланмайди, балки яқинлик — банданинг мукаррамлиги, узоқлик — унинг хорлигидир. Итоаткор одам Аллоҳга яқиндир, лекин кайфийятсиз. Итоатсиз кимса Ундан узоқдир, лекин кайфийятсиз. Яқинлик, узоқлик, юзма-юз бўлиш, жаннатда ёнма-ён бўлиш, Унинг ҳузурида туриш кабиларни кайфийятсиз, деб билиш зарурдир, яъни қандай ҳолатда бўлиши бизга маълум эмас.

Қуръони карим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ва муҳафларимизга ёзилгандир. Унинг барча оятлари фазилат ва улуғликда Аллоҳнинг каломи бўлгани учун баробардир. Аммо баъзи оятларнинг ўқилиши ўзи фазилатли бўлса, бошқалари ундаги зикр этилган нарсалар сабабли фазилатга эгадир. Масалан, «Оятул-Курсий»да Аллоҳнинг улуғлиги, буюклиги ва сифатлари зикр этилган. Демак, унда иккита фазилат жам бўлган — зикр ва мазкур фазилатлари. Кофирлар тўғрисида келган оятларда фақат зикр фазилати бўлиб, мазкур қайд этилганлар кофирлар бўлганлари учун иккинчи фазилат тушиб қолади. Шунингдек, Аллоҳнинг исм ва сифатлари фазилат ва улуғликда барчаси тенгдир, бир-биридан бу жиҳатдан фарқ этмас.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота-оналари фитрат (исломий табиат - ислом)да вафот этганлар. Амакиси Абу Толиб кофирлик ҳолида оламдан ўтган. Қосим, Тоҳир, Иброҳим — Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғиллари, Фотима, Зайнаб, Руқайя ва Умму Кулсум — қизларидир.

Ҳар кимга тавҳид ва ақида илмига доир бирор мушкул масала учраб қолса, то бирор олимни топиб, сўраб, аниқлаб олгунига қадар: «Аллоҳнинг наздида тўғри бўлганига эътиқод қилдим», - деб туриши зарур. Олимни излашда тахир этмагай (кечиктирмагай). Тахирга қўйса узри қабул этилмас. Агар излашдан тўхтаса, кофир бўлур.

Меърож воқеаси ҳақ ва ростдир. Ҳар ким уни инкор этса, у залолат ва бидъат аҳлидир.

Дажжол ва Яъжуж-Маъжужнинг чиқишлари, Куёшнинг кун ботар томонидан чиқиши, Исо (а.с.)нинг осмондан тушишлари ва бошқа қиёмат аломатлари саҳиҳ хабарларда зикр этилганидек ҳақ ва ростдир.

Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандасини тўғри йўлга ҳидоят этгай!

«АЛ-АҚИДАТУТ-ТАҲОВИЯ» РИСОЛАСИ

Муаллифи — Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовий. 238 ҳижрий/858 милодий йилда Мисрнинг Таҳо номли қишлоғида туғилиб, 321 ҳижрий/933 милодий йилда Қоҳирада вафот этганлар. Ҳанафий мужтаҳидларининг энг йирикларидан. Тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тарих ва бошқа фанларда замонасининг пешвоси бўлганлар.

«АҚИДА» РИСОЛАСИ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила

Ҳамду сано оламлар Парвардигорига хосдир!

Ушбу рисолада биз Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад (Аллоҳ улардан рози бўлсин) каби машҳур соҳиб мазҳаб фуқаҳоларимиз эътиқод қилган «Аҳли Сунна вал-Жамоа» ақидаларини баён этамиз.

Аллоҳнинг тавҳиди тўғрисида унинг тавфиқи билан чин дилдан эътиқод қилган ҳолда қуйидагиларни айтамиз ва уларга ишонамиз:

Аллоҳ бирдир, Унинг шериги йўқдир, Унинг тенги ва тимсоли йўқдир, Уни енгадиган ва ожиз қолдирадиган бирор куч йўқдир, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У қадимдирки, ибтидосиз ва доимийдирки, интиҳосиз. У фоний эмас ва асло йўқ бўлмас. Барча иш фақат унинг ирода-хоҳиши билан бўлур. Унинг моҳиятига ақл етмас. Унинг ҳикматини ҳеч бир кимса фаҳм этмас. У одамларга ўхшамас. Тирикдир — ўлмас, қойимдирки, уҳламас. У яратувчидир, лекин Ўзи беҳожат. Ризқ берувчидир, лекин Ўзи ҳақ олмас. У ўлдирувчидир, лекин қўрқмас. Яна тирилтирувчидир, лекин бемашаққат. Барча сифатлари ҳеч нимани яратмай туриб ҳам мавжуд бўлган. Яратгандан кейин Унга бирор сифат қўшилиб қолган эмас. Азалий бўлган сифатлари абадий боқий қолур. Холиқлик сифатини оламни халқ этганидан кейин олгани йўқ. У Парвардигордир, лекин ўзи парваришга муҳтож эмасдир. Ўзи Холиқдир, махлуқ эмас. Ўзи жон ато этган махлуқларини ўлганларидан кейин қайта тирилтиргай, лекин бу сифати тирилтирмай туриб ҳам мавжуд эди. У ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарса Унга муҳтождир. Ҳамма иш Унга осондир. Бирор нарсага зор эмасдир. Унинг ўхшаши, тенги йўқдир. У эшитувчи ва кўрунувчидир. Барча махлуқотни ўз илми билан билиб яратган ва уларни ўлчов ва муддат билан белгилаб қўйган. Уларни яратмай туриб ҳам ҳеч нарса Унга махфий эмас эди. Одамларни яратмай туриб нима ишларни қилишини билган. Билиб туриб уларни итоат қилишга буюрган, итоатсизликдан қайтарган. Ҳамма нарса Унинг тақдири, хоҳиши билан бўлур. Унинг хоҳиши ҳамиша устундир. Одамларнинг хоҳиши Унинг хоҳишига боғлиқдир. Яъни У нимани хоҳласа бўлади, хоҳламагани бўлмайди. Хоҳлаган бандасини ўз хоҳиши билан гуноҳ-маъсиятлардан сақлаб, ҳидоят йўлига солиб қўяди. Хоҳлаган бандасини ўз адли билан адашган ҳолича қўйиб, ёрдамсиз қолдиради. Ҳамма Унинг ё фазлига ёки адлига учраб туради. Унинг на акси бор ва на тенги. Унинг қазо ва тақдирини ҳеч ким тўса олмайди. Унинг ҳукми қатъий ва амри ҳамиша ғолибдир. Буларнинг ҳаммасига имон келтираамиз.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг танлаган қули ва охирги пайғамбаридир. Ул зотдан кейин қилинган ҳар қандай пайғамбарлик даъвоси ёлғондир. Ул ҳазрат барча жин ва Одам авлодларига юборилган ҳақиқий пайғамбардирлар.

Қуръон — бу Аллоҳнинг сўзидир. Унинг ҳузуридан Расулulloҳга ваҳий орқали сўзма-сўз нозил қилинган. Буни барча мўъминлар ҳақ деб ишонмоқлари шартдир. Аллоҳнинг каломи инсон каломидек эмас. Кимки уни эшитганда инсон сўзи деб эътиқод қилса, диндан чиқиб кофир бўлур. Бу ҳақда Аллоҳнинг ўзи Қуръони каримда хабар бериб: «Ундай шахсни Сақар

дўзахига солурман», — деган. Демак, Қуръон — бу инсоннинг сўзи эмас, балки инсонни ҳам яратган Холиқнинг каломи экан. Кимики Аллоҳни таърифлаганда, Уни инсонга ўхшатса, кофир бўлиб қолади. Бунга ибрат назари билан боқмоқ кофирлар эътиқодидан ҳазар қилмоқ ва Унинг барча сифатлари инсон сифатларига ўхшамайди, деб билмоқ зарурдир.

Жаннат аҳли Аллоҳнинг дийдорини кўрурлар, лекин макон ва кайфиятсиз. Бунга ушбу оят далилдурки: «Ушбу кун баъзи кишиларнинг юзлари Парвардигорига қараган ҳолда хурсанддурлар». Бунинг тафсири ва ҳақиқати Аллоҳнинг иродаси ва илмига ҳаволадир. Ҳадиси шарифларда Аллоҳнинг дийдорини кўриш хусусида келган хабарларга бешак ишонамиз, лекин ўзимизча таъвил ёки шарҳ қилмаймиз.

Аллоҳга ва Унинг расулига таслим қилган ва билмаган илмини ўз билувчисига топширган киши ҳақиқий эҳтиёткор мўмин ҳисобланади. Ислоннинг қадами ҳам Холиққа таслим этиш ва бўйинсуниш билан саботли бўлади. Билиш мумкин бўлмаган нарсани биламан, деб беҳуда уриниш турли шубҳа ва ҳаёлотларга олиб келади. Натижада ундай одам ҳақиқий тавҳиддан узоқлашиб куфр билан имон ўртасида сарсон бўлиб қолади. Яъни васвасага гирифтор бўлиб — ишонувчи мўминми ёки ишонмайдиган мункирни — дилига шак тушиб қолади.

Жаннатда Аллоҳни кўриш кайфийяти ҳаёл ёки фикр билан белгиланмайди, балки фақат кўришликни ҳақ деб билиб, қандай ва қанақа деган саволлардан эҳтиёт бўлмоқлик зарур бўлади. Зеро, Парвардигоримиз ваҳдоният, яъни ягоналик сифати билан сифатланган. Бундай сифат бирорта бошқа зотда йўқдир. У чегара, аъзо, асбоб ва махлуқотдек ҳар олти томон билан сифатланмайди.

Меърож воқеасини ҳақ деб эътиқод қиламиз. Аллоҳ таоло Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни бир кеча уйғоқлик ҳолларида осмонга олиб чиқиб, Ўзи хоҳлаган аломатларни кўрсатгани ҳақиқатдир. Бу борада оят ва ҳадислар ворида бўлган.

Қиёмат куни Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини Аллоҳнинг марҳамати билан Ҳавзи Кавсар суви билан меҳмон қилишларини ҳам ҳақ деб эътиқод қиламиз.

Пайғамбаримизнинг гуноҳкор умматларига шафоат қилиб, мағфират сўрашлари ҳам ҳақдир. Аллоҳ таолонинг Одам алайҳиссалом ва унинг зурриётидан аҳд-паймон олгани, яъни «Мийсоқ» ҳам ҳақдир.

Аллоҳ таоло қиёматда қанча одам жаннатга, қанча одам дўзахга киришини азалдан билган. Ўша ададнинг миқдори асло кам ёки зиёда бўлмайди.

Бандалар дунёга келиб нима ишлар қилишини ҳам Аллоҳ таоло азалдан билган. Ҳар бир инсонни тақдирига мувофиқ иш қилиб борадиган қилиб қўйган.

Барча ишлар оқибати ва натижасига қараб баҳоланади.

Тақдирда бахтли деб ёзиб қўйилган одам ҳақиқий бахтлидир. Шунингдек, тақдирда бахтсиз ёки бадбахт деб ёзиб қўйилган инсон ҳақиқий бахтсиздир. Тақдир эса инсонлардан сир тутилади, у фақат Аллоҳгагина маълумдир. Уни ҳатто, Аллоҳга яқин бўлган фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам билмайдилар. Тақдир тўғрисида чуқур ҳаёл юргизиш ёки баҳслашиш беҳуда ишдир, балки туғёндир. Бундан жуда ҳазар қилиш зарур. Уни Аллоҳ таоло ўзига хос илм қилиб, бандаларини тақдир тўғрисида фикр юритишдан ман этади. Бир ояти каримада: **«Аллоҳ ўзининг қиладиган ишларидан ҳеч кимга ҳисобот бермайди, балки одамлар Унга ҳисобот берурлар»**, дейилади. Кимики: «Нега Аллоҳ бундай қилади ёки нега ундай қилмади?» деса, Тақдир ҳукмини рад этган бўлиб, имондан ажраб қолади.

Қалби чин имон нури билан мунаввар бўлган, Аллоҳга яқин бандаларга керакли маълумотлар шулардан иборат. Пухта илми деб ҳам шундай ақидага эга бўлганларга айтамиз. Зеро, илм икки хил бўлади. Биринчиси ҳаммага зоҳир ва ошкора илм, иккинчиси ғайбий пинҳона илм. Зоҳирий илмларни инкор этиш ёки ғайбий илмларни билишни даъво этиш куфр ҳисобланади. Зоҳирий мавжуд маълумотларни қабул этиш ва ғайбий илмлар даъвосини тарк этиш билангина имон собит туради.

Аллоҳнинг ҳузуридаги барча нарсалар тақдири ёзилган Лавҳ ва Қаламнинг ҳақлигига ҳам

имон келтирамиз. Ҳамма халқ бир бўлиб, Лавҳи маҳфуздаги «бўлади» деб қўйилган ишни бўлдирмасликка уринсалар ҳам асло қўлларида келмайди. Шунингдек, «бўлмайди» деб ёзиб қўйилган ишни ҳам бўлдира олмайдилар. Қиёматгача бўладиган ишларни қалам ёзиб битирган ва сиёҳи қуриб битган. Бир банда хато иш қилган бўлса, демак, у тақдир бўйича шундай қилиш керак бўлган, тўғри иш қилган бўлса ҳам худди шундай.

Ҳар бир банда шуни яхши билмоғи керакки, Аллоҳ таоло барча бўладиган ишларни олдиндан билган ва шу илмига биноан қатъий тақдирини белгилаб қўйгандир. Унинг тақдирини ўзгартириб қўядиган бирор куч йўқ. Яратган еру осмонларида бирор нуқсон ёки ортиқчалик йўқ. Ояти каримада воридким: **«У ҳар бир нарсани ўзига муносиб аниқ ўлчови билан яратди»**. Яна бир бошқа оятда: **«Аллоҳнинг барча иши пухта ўлчов биландир»** дейилади.

Бас, кимики азал тақдирида Аллоҳнинг душмани деб ёзилиб қолган бўлса, дили Аллоҳ учун эримайдиган тошбағир бўлса, ўзининг ноқис ақли билан ғайбий нарсаларни билишни даъво қилса ва бу ишлари билан ёлғончи номига сазовор бўлиб осий бўлса, унинг ҳолига вой!

Арш, курсий каби улкан мавжудотларнинг борлиги ҳақ. Аллоҳ уларга ва бошқа нарсаларга ҳам муҳтож эмас, балки ҳамма катта-кичик бепоён махлуқот ва мавжудот унинг қўлидадир.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни дўстим деган, Мусо алайҳиссалом билан гаплашган. Буларга тасдиқ ила имон келтирамиз.

Фаришталарга, пайғамбарларга ва уларга туширилган илоҳий китоб ва саҳифаларга имон келтирамиз. Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ва ҳақ йўлда бўлганлар.

Бизнинг қибламизга қараб намоз ўқиғувчиларни мусулмон санайверамиз. Шарт шуки, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган барча маълумотларни эътироф этадиган бўлсалар.

Аллоҳнинг зоти тўғрисида чуқур фикр юритмаймиз. Унинг дини ҳақида ҳам баҳсу жадал қилмаймиз. Қуръони карим тўғрисида ҳам худди шундай. Қуръон Аллоҳнинг каломи, уни Жаброил алайҳиссалом олиб келиб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга таълим берганлар, деб имон келтирамиз. Қуръон сўзига тенг келадиган сўз йўқ. Уни яратилган демаймиз. Аллоҳнинг каломи махлуқ эмас, балки унинг лафзу ҳарфлари, қоғоз ва қироати махлуқ.

Мусулмон жамоасига муҳолиф бўлмаймиз. Қибла аҳлини гуноҳ иш қилсалар ҳам кофир санамаймиз, башарти уни гуноҳ иш эканлигини кўр-кўрона инкор этмаса.

Имонли кишига қилган гуноҳи мутлақо зарар бермайди ҳам демаймиз. Солиҳ мўминларнинг тавбаларини қабул этиб, гуноҳларидан ўтиб, жаннатга дохил қилади деб Аллоҳдан умид қиламиз. Аммо улардан қатъий хотиржам бўлиб, жаннатий деб гувоҳлик бермаймиз.

Мўминларнинг гуноҳкорлари ҳаққига истиғфор айтамиз. Уларга Аллоҳнинг азоби бўлишидан хавфсираймиз. Аммо уларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилмаймиз. Аллоҳнинг азобидан хотиржам бўлиш ва раҳматидан ноумид бўлиш исломдан бегона қилиб қўяди. Ҳақиқат умид ва кўрқув ўртасидадир. Мўмин киши имондан чиқиши учун имонга киришига сабаб бўлган нарсаларни инкор этган бўлиши керак.

Имон — бу Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ томонидан келтирган барча маълумотларни тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлашдир.

Расулulloҳ (с.а.в.) орқали бизга етказилган барча шариат аҳкомлари ва изоҳларини ҳақ деб биламиз.

Имон бир бутун яхлит маънавий нарсадир. Имон аҳли бу жиҳатдан баробардирлар. Мўминлар бир-бирларидан Аллоҳдан кўрқувда, тақвода, нафсни тийишда ва бошқа амалларда фарқ қилурлар.

Мўминларнинг ҳаммаси Раҳмоннинг дўстларидир. Унинг наздида ким итоаткорроқ ва Қуръонга амални зиёда қиладиганроқ бўлса, ўша инсон бошқалардан азиз ва мукааррамроқдир.

Имон — бу Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, Аллоҳнинг яхши-ёмон тақдирига ва ўлгандан кейин тирилтиришига ишонмоқликдир. Биз шуларнинг ҳаммасини ҳақ деб ишонамиз, пайғамбарларнинг ҳеч бирини ажратмай, китобларини тасдиқ этган ҳолда имон келтирамиз.

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўмин умматларидан катта гуноҳларни қилганлари тавбасиз ўтган бўлсалар ҳам дўзахда абадий қолмайдилар. Аммо имонли вафот этган бўлишлари шарт. Уларнинг ишлари Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола. Хоҳласа фазлу карами билан кечиб юборади. Хоҳласа адли билан азоблайди. Сўнг яна уларни ўз раҳмати ва улуғларнинг шафоати билан қутқариб, жаннатга дохил қилади. Бунинг ҳикмати шуки, Аллоҳ таоло ўзини таниб, имон келтирганлар билан инкор этганларни баробар қилиб қўймайди. Зеро, у мўминларни дўст тутган. Бинобарин, уларни гуноҳларидан пок этиб, охири аҳли жаннат қилур. Илоҳо, қадамларимизни исломда собит этгин!

Ҳар қандай солиҳ ва фожир имом орқасида иқтидо қилиб намоз ўқишни жоиз деб биламиз. Яхши-ёмон мусулмонга ҳам жаноза ўқийверамиз. Мўминман деб юрганларни қатъий жаннатий ёки дўзахий деб айтмаймиз. Уларни то аниқ белгиси зоҳир бўлмагунча кофир, мушрик ёки мунофиқ деб гувоҳлик бермаймиз. Уларнинг зоҳирига қараб мусулмончилик муомаласини қилаверамиз, ботинларини Аллоҳга ҳавола этамиз.

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам умматидан ҳеч кимга нисбатан қилич кўтаришни жоиз кўрмаймиз. Шариат вожиб қилган ҳад жазолари бундан мустасно.

Подшоларимиз, раҳбар амалдорларимизга қарши, гарчи зулм қилсалар ҳам хуруж қилмаймиз, уларни дуои бад ҳам этмаймиз. Итоатдан бош тортмаймиз. Уларга итоат этишни Аллоҳга итоат этиш жумласидан, яъни фарз деб биламиз. Гуноҳ-маъсият ишларга буюрсаларгина итоат этмаймиз. Уларнинг ҳаққига дуои хайр қилиб турамиз.

Суннат ва жамоатга эргашамиз. Ғайри табиий одатлар, хилоф, тафриқадан қочамиз. Адолатли, омонатли кишиларни дўст тутамиз. Зулм ва хиёнат аҳлини ёмон кўрамиз. Бизга равшан бўлмаган шубҳали ишларни Аллоҳнинг илми ва ихтиёрига ҳавола қиламиз.

Сафарда ва ватанда пойафзалларга масҳ тортишни жоиз деб биламиз. Бу хусусда ҳадислар бор.

Ҳаж ва жиҳод то қиёматгача мусулмонларнинг солиҳ ёки фожир раҳбарлари бошчилигида давом этади. Уларни ҳеч нарса бекор қилмайди.

Амалларимизни ёзиб борувчи (кироман котибин) фаришталар борлигига ишонамиз. Шунингдек, жон олувчи фаришта (Азроил а.с.)га ишонамиз.

Қабрда баъзи мустаҳиқ кишиларга азоб бўлишини, Мункар ва Накир деган икки фаришта кириб марҳумдан Рабби, дини ва пайғамбари ҳақида савол қилишини ҳақ деб биламиз. Қабр — бу кимгадир жаннат боғларидан бири, кимгадир дўзах қудуқларидан биридир.

Қиёмат куни қайта тирилишимизга, амалларимизга мувофиқ жазо ва мукофот олишимизга, номаи аъмолларимизни ўқишимизга, пулсирот кўприги ва амал тарозисига, ҳозир ҳам мавжуд, йўқ бўлмайдиган жаннат ва дўзахга ишонамиз. Бу икки манзилни ҳаммадан олдин яратиб, уларга муносиб ўз аҳллариини ҳам сўнг халқ этди. Ҳар бир инсон ўзининг борадиган манзилига лойиқ иш қилиб боради.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бандаларга азал тақдирда битиклидир.

Аллоҳ таоло ҳеч кимни тоқати ва қудрати етмайдиган ишга буюрмайди. Тоқат ва қудрат эса фақат шу ишни бажаришда намоён бўлади. Аммо таклиф соғлом одамга ишни бажармасдан олдин юборилиши мумкин.

Бандаларнинг қилаётган ишларини аслида Аллоҳ яратади. Уларни тоқатлари етмайдиган ишга таклиф қилмайди. Уларнинг қудрати ҳам таклиф этилган нарсагагина етади. Бу қуйидаги калиманинг тафсиридиким, «Ло ҳавла ва қуввата илло биллоҳ»дир. Маъноси: «Аллоҳга гуноҳкор бўлмасликнинг ҳеч чораси йўқ, магар Аллоҳнинг ёрдами билангина мумкиндир. Аллоҳга итоат қилишга ҳеч кимнинг қудрати етмас, магар Аллоҳнинг тавфиқи билангина

мумкин бўлур».

Ҳар бир иш Аллоҳнинг хоҳиши, илми, тақдири билангина бўлур. Аллоҳнинг хоҳиши барча хоҳишлардан устундир. Қазо ва қадари эса барча ҳийла ва тадбирлардан ғолибдир. Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишни қила билур. Лекин ҳаргиз зулм қилмас. У ҳар қандай ёмонлик, айбу нуқсондан холидир. **«У қилаётган ишидан ҳеч кимга ҳисобот бермас, балки унга ҳисобот берилур!»** («Анбиё» сураси, 23-оят)

Тирикларнинг марҳумлар учун қиладиган дуолари, садақа ва эҳсонлари фойдадан холи эмасдир. Аллоҳ таоло дуоларни қабул этувчи, ҳожатларни раво кўрувчи зотдир. У ҳамма нарсага моликдир, Унга ҳеч ким молик эмасдир. Оламни бир лаҳза ҳам Худосиз тасаввур этиб бўлмайди. Кимки ўзини Усиз мустақил деб бир лаҳза тасаввур этса, диндан чиқиб ҳалокат аҳлига мансуб бўлур. Аллоҳ таолонинг ғазаби ва ризоси бор, лекин бандаларидагидек эмас.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча саҳобаларини дўст тутамиз. Дўст туттишда ҳаддан ошиб, шуҳратпарастликка ўтиб кетмаймиз. Улардан ҳеч кимни душман тутмаймиз. Уларни ёмон кўрувчиларни ёмон кўрамыз. Уларга фақат яхши сифатларни нисбат берамыз. Уларга муҳаббат боғлашлик — бу дин, имон, эҳсон белгисидир. Уларни ёмон кўришлик — бу куфр, нифоқ ва туғён аломатидир.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг халифалик умматнинг афзали ва пешвоси бўлмиш Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳуга, сўнг Умар Форукқа, сўнг ҳазрати Усмон зун

нурайнга, сўнг Ҳазрати Али Муртазо розийаллоҳу анҳумга насиб бўлди. Бу тўрт халифани «Хулафойи рошидин», яъни тўғри йўл тутган пешво халифалар дейилади.

Ўнта саҳобани Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам жаннат аҳли, деб башорат берганлар. Улар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Саид, Абдурахмон ибн Авф ва Абу Убайда ибн Жарроҳ (розийаллоҳу анҳум)дирлар.

Кимики Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ва аёлларини турли ёмон сўзлардан поклаб, яхши сифатлар билан ёд этса, шунингдек, зурриётларини ҳам турли ношойиста сифатлардан ҳимоя қилиб зикр этса, мунофиқлик иснодидан ўзини пок тутган бўлади.

Саҳобалар ва тобеъинлар аҳли хайр, аҳли фикҳ, аҳли ривоят, улўф мартабали зотлардир. Уларни фақат яхшилик билан ёд этиш лозим. Кимики уларга ёмонликни нисбат берса, у ўта адашганлардан бўлур.

Авлиёлардан ҳеч бирини пайғамбарларнинг ҳеч биридан ортиқ санамаймиз, балки битта пайғамбар барча авлиёлардан афзалдир. Авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Бунга ишончли ривоятлар бор.

Қиёмат аломатларига ҳам ишонамыз. Масалан, Дажжолнинг чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари, қуёшнинг ғарб томондан чиқиши, Ер ҳайвонининг чиқиши кабилар.

Фолбинлар сўзини тасдиқ этмаймиз. Қуръон, ҳадис ва ижмои Умматга хилоф гапларни қабул қилмаймиз.

Жамоатни ҳақ ва тўғри деб ҳисоблаймиз. Тафриқани залолат ва азоб деб биламыз. Аллоҳнинг дини Ерда ҳам, осмонда ҳам бир, яъни ислом динидир. Бу дин ўртаҳол, мукамал, оммабоп диндир. Мана шулар бизнинг ички ва ташқи ақидамыз ва динимиздир. Шуларга хилоф қилувчиларга биз муҳолифмиз.

Аллоҳ таолодан ҳаммамиз учун имонда собит қадамлик, имон билан ўтишлик, турли ботил ақидалардан сақланишлик, Аҳли Сунна вал-Жамоада барқарор бўлишликни сўраймиз. Барчамизга тавфиқ ато этгай!

«АҚОИДИ НАСАФИЯ» РИСОЛАСИ

Муаллифи — Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Вафоти 537 ҳижрий йил. Юзга яқин китоб ёзган. 550 нафар олимлардан сабоқ олган ва уларга бағишлаб алоҳида бир китоб битган. Ушбу «Ақоид» рисоласи тўққиз асрдан бери мотуридия ақидаси бўйича мадрасаларда қўлланма тарзида фойдаланиб келмоқда.

АҚОИДИ НАСАФИЯ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила

«Аҳли Сунна вал-Жамоа» аталмиш исломий-ақидавий йўналиш уламолариким, уларни «Аҳли ҳақ» ҳам дерлар, шундай демишлар:

Барча мавжуд нарсалар ҳақиқатан воқелик ва моҳиятга эгадир ва уларни билиб олиш ва идрок этиш мумкиндир. Суфастоия оқими бунга хилоф қилурлар ва айтурларки, мавжудотнинг барчаси гарчи бизга бордек кўринса-да, аслида йўқ нарсалар бўлиб, улар хаёлий ва ваҳмий ҳиссиёт маҳсулидан ўзга нарса эмасдир.

Мавжудот ва махлуқотларни билиш ва идрок этиш воситалари учтадир, соғлом сезги аъзолари, ишончли хабар ва ақл.

1. Инсондаги сезги аъзолари. Улар беш хилдир: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм сезиш ва бадан орқали сезиш аъзолари. Буларнинг ҳар бири қайси вазифа учун тайин этилган бўлса, ўша билангина чегараланади (яъни кўз билан эшитиб бўлмаганидек, қулоқ билан ҳам кўриб бўлмайди).

2. Ишончли хабар. У икки хилдир:

1. Мутавотир саналган хабар. У шундай хабарки, кўпчилик оғзидан эшитилган бўлиб, улар ўзаро ёлғон гап тарқатишга келишиб олишлари мумкин бўлмаган кишилар бўлиши керак. Бундан ҳосил бўлган билим «илми зарурий» («қатъий илм») деб аталади. Масалан, ўтган замонларда яшаган подшоҳлар, узоқ масофадаги мамлакатлар борлиги ҳақидаги хабарлар ва ҳоказо.

2. Мўъжиза билан қувватлантирилган пайғамбар хабари. У истидлолий (далилли) илмни пайдо қилади.

Унинг воситаси билан билинадиган илм ишонч ва собитликда мазкур «илми зарурий»га тенглашади.

3. Ақл. У ҳам билим воситасидир. Унинг воситасида дарҳол билинадиган илм ҳам «илми зарурий» деб аталади. Масалан, ҳар бир нарса ўзининг бўлакларидан катталиги дарҳол англашилгани каби. Ақлий далил билан билинадиган илмга эса «иқтисобий» ёки «касбий илм» дейилади. Бирор нарсанинг моҳиятини англаб етишда илҳом билим воситаси бўла олмайди.

Олам ўзининг барча ашёси билан биргаликда ҳодисдир. Яъни қачондир яратилгандир. Зеро, олам мураккаб ва мураккаб бўлмаган мустақил жисмлар ҳамда мустақил бўлмаган, балки бошқа жисмларга суяниб турувчи жисмлардан иборатдир. Мустақил ва мураккаб жисмлар учун мисол сифатида катта ва кичик мавжудотларни ҳамда мустақил бўлмаган сифатларга эса ранглар, таъм ва ҳидларни келтириш мумкин. Яъни қизил олманинг ўзи мустақил, унинг ранги эса ғайри мустақил. Зеро, у олмдан айри ҳолда тура олмайди.

Оламнинг яратувчиси Аллоҳдир. У яккаю ягона, қадим, тирик, қудратли, билимли, эшитувчи, кўрувчи, хоҳловчи, ирода этувчиким, ашёлардаги фоний сифатлар Унда йўқдир. У жисм ҳам, жавҳар ҳам эмас. Яна у тасвирланувчи ҳам, чегараланувчи ҳам, саналувчи ҳам эмас. У қисмларга бўлинувчи ва бўлаклардан таркиб топган ҳам эмас. У чексиз ва ниҳоясиздир. У

қандай, қанақа, нима деб сўралмайди. У бирор маконда қарор олиб турувчи эмас. Унга вақт, замон дахлдор эмас. Бирор нарса Унга ўхшамас. Унинг билим ва қудрат доирасидан ҳеч нарса ташқарига чиқмас.

Унинг мустақил, азалий сифатлари борким, улар Аллоҳнинг Ўзи ҳам эмас, Ўзидан ўзга ҳам эмасдир. Улар: илм, қудрат, ҳаёт, қувват, эшитиш, кўриш, ирода, хоҳиш, яратиш, ризқ бериш, гапириш каби Ўзига хос сифатлардир.

Аллоҳ ўзига хос калом билан сўзлар. Сўзлаш унинг азалий сифатидир. Унинг каломи ҳарфлар ва товушлар жинсидан эмас. Унинг бу сифати сукут ва турли офатлардан холидир. Аллоҳ шу сифати билан гапирувчидир, у билан буюрувчи, тақиқловчи ва хабар берувчидир.

Қуръон — Аллоҳнинг каломи. У махлуқ (кейин яратилган) эмас. У муҳафларимизга битилувчи, қалбларимизда ёд олинувчи, тилимизда қироат қилинувчи, қулоқларимиз билан эшитилувчидир. Лекин ўша жойларга кириб ўрнашиб қолувчи эмас.

Таквин (пайдо этиш) Аллоҳнинг азалий сифатидир. У бу сифати билан бутун оламни барча қисмлари билан ўзига муносиб вақтларда яратган. Таквин сифатини бизнинг ақидамиз бўйича Аллоҳга нисбат берилганда «пайдо этилган» деб эмас, балки «пайдо этувчи» деб билиш керак бўлади.

Ирода ҳам Аллоҳнинг азалий мустақил сифатларидан. Аллоҳдан қўрқиш ақлан мумкин. Нақлий (Қуръон ва ҳадисда мавжуд) далилларга биноан ҳам қатъийдир.

Мўминларнинг охиратда Аллоҳ таолони кўришлари хусусида қатъий хабарлар эшитилган. Кўриниш бирор маконда ёки бирор муқобил томонда бўлмайди. Шунингдек, кўз нурининг етиб бориши ёки Аллоҳ билан кўрувчи ўртасида қандайдир масофа бўлиши ҳам мумкин эмас. (Демак, кўриш ҳақ, лекин ҳолати тўғрисида баҳс юритиш мумкин эмас).

Бандаларнинг барча феъл-ҳаракатлари — хоҳ улар қуфр, хоҳ имон бўладими, тоат ёки гуноҳ-маъсият каби ишлардан бўладими — уларни Аллоҳ таоло ўз иродаси, хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири билан яратади.

Бандаларда ихтиёрий феъл ва ҳаракатлар бор. Улар сабабли савоб ёки гуноҳ орттирадилар.

Банданинг қилган амалларидан эзгулиси Аллоҳнинг ризоси билан, ёмони эса Унинг розилигидан ташқари ҳолда ижро этилади.

Инсоннинг тоқат ва қудрати унинг бирор ишни бажариши билан белгиланади. Мана шу ҳар қандай ишга сарф қилинадиган куч-қудратнинг ҳақиқатидир. Тоқат сўзи восита ва асбобларнинг соғломлигига қараб ўз тасдиғини топади. Аллоҳнинг таклифи (буйруқ ва тақиқлари) ҳам шу тоқат ва имконият чегарасидан ташқари қилинмайди.

Бирор инсонни биров урганда ҳосил бўладиган оғриқ ёки бирор инсон шишани синдирганда ҳосил бўладиган синиқ ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳаммасини Аллоҳ яратади. Бунда банданинг яратиш таъсири йўқдир.

Қатл этилган мурда ҳам ўз ажали билан ўлган ҳисобланади. Ажал — бир.

Ҳаром ҳам ризқ ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз ризқини — хоҳ у ҳалол бўлсин, хоҳ у ҳаром — тўла истеъмол қилади. Бирор инсон ўз ризқини емади ёки унинг ризқини биров еб қўйди, деб тасаввур қилинмайди.

Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасини залолатга ва хоҳлаган бандасини ҳидоятга йўллаб қўяр. Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб эмас.

Қабрда Аллоҳнинг илми ва иродасига кўра кофирларга ва баъзи гуноҳкор мўминларга азоб берилиши, шунингдек, тоат-ибодатли кишиларга роҳат ато этилиши, Мункар ва Накир исмли фаришталарнинг майит билан савол-жавоб қилишлари нақлий далиллар (оят ва ҳадислар) билан исботланган. Бундан ташқари бу ақл жиҳатидан ҳам мумкин ишлардандир.

Ўлгандан кейин (қиёматда) қайта тирилтириш, амалларини тарозида тортиш, номаи аъмол, савол-жавоб, Ҳавзи Кавсар, Пулсирот, жаннат ва дўзах тўғрисидаги хабарларнинг барчасини ҳақ ва рост, деб билурмиз. Жаннат билан дўзах ҳозир ҳам мавжуд ва уларнинг ўзи ҳам, унга

тушганлар ҳам боқий бўлурлар, фонийлик кўрмаслар.

Гуноҳи кабира (ширк ва куфрдан бошқа улкан гуноҳ) мўмин кишини имондан чиқариб, куфрга киритмас. Аллоҳ таоло ўзига ширк келтиришни кечирмагай. Ундан бошқа катта ва кичик гуноҳларни хоҳлаган бандаси учун кечирур.

Кичик гуноҳ учун жазо ва катта гуноҳ учун афв белгиланиши мумкин. Бунда гуноҳни ҳалол, деб эътироф қилмаган бўлиш шартдир. Ҳаром ва гуноҳ деб қайд этилган шаръий ҳукмларни ҳалол демоқ куфр ҳисобланади.

Гуноҳи кабира қилиб ўтган мўминларни афв этилишини Аллоҳдан сўраб пайғамбарлар ва солиҳ, аҳли хайр зотларнинг шафоат қилишлари ҳақдир. Бу хусусда оят ва ҳадислар мавжуддир. Мўмин кишилар гуноҳи азимлари бўлса ҳам дўзахда абадий қолмайдилар.

Имон — бу Аллоҳ томонидан келган барча хабарларни тил билан иқрор ва дил билан тасдиқ этишдир. Амаллар эса кўпайиб-озайиб туради. Имон эса кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам (балки унинг нури зиёда ва кам бўлиб туради). Имон билан ислом сўзлари (луғавий жиҳатдан фарқли бўлса-да), бир хил маънода ишлатилаверади. Бандада мазкур тасдиқ билан иқрор топилса, у «Мен ҳақиқатан мўминман» — дейиши дуруст бўлади. «Мен, иншоаллоҳ, мўминман» — дейиши мумкин эмас.

Бахтли одам баъзан бахтсиз, шунингдек, бахтсиз одам баъзан бахтли бўлиб қолиши мумкин. Ўзгариш банданинг сифатлари бўлмиш бахт ва бахтсизликда намоён бўлади. Бахтли қилиш ва бахтсиз қилишда эмас. Зеро, бу иккиси Аллоҳ таолонинг сифатларидан. Аллоҳнинг ўзида ҳам, сифатларида ҳам ўзгариш рўй бермайди.

Пайғамбарларнинг юборилишида ҳикмат бор. Аллоҳ таоло башардан пайғамбарлар чиқариб, башарга юборади. Улар хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи, одамларнинг дунёвий ва диний ишларида муҳтож бўладиган нарсаларни баён қилиб берувчидирлар. Аллоҳ таоло уларни турли мўъжизалар билан қувватлаган.

Пайғамбарларнинг биринчиси Одам (а.с.), охиргиси Муҳаммад (с.а.в.)дир. Пайғамбарларнинг адади баъзи ҳадисларда ривоят қилинган. Лекин уларни муайян адад билан чегараланмаганлари афзал. Аллоҳ таоло айтган: **«Улардан баъзиларининг қиссаларини Сизга айтдик. Баъзиларининг қиссаларини эса, Сизга айтмадик»** («Ғофир» сураси, 78-оят). Ададлари зикр этилган тақдирда пайғамбар бўлмаган кишининг уларга қўшилиб қолиши ёки пайғамбар бўлган кишини улар сафидан чиқариб қўйиш хавфи бор. Уларнинг барчаси Аллоҳнинг буйруқларини халққа етказувчи, содиқ ва насиҳатгўй зотлар бўлишган.

Пайғамбарларнинг афзали — Муҳаммад (с.а.в.). Фаришталар Аллоҳнинг бандаларидир. Унинг барча Буйруқларини тўла бажарадилар. Улар эркаклик ёки аёллик жинси билан сифатланмайдилар.

Аллоҳ таолонинг пайғамбарларига нозил қилган китоблари борким, уларда ўзининг буйруқ ва тақиқларини, ваъдаю танбеҳларини баён этган.

Расулulloҳ (с.а.в.) уйғоқлик ҳолларида жисмонан самога кўтарилиб, ундан Аллоҳ хоҳлаган олий маконларга кўтарилиб сайр қилган кечалари (Меърож кечаси) ҳақ ва ростдир.

Авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Узоқ масофани оз муддатда босиб ўтиш, зарур ҳолларда озиқ-овқат, кийим ва бошқа нарсаларнинг ҳозир бўлиши, сув юзида юриш, ҳавода учиш, жонсиз нарсалар билан сўзлашиш, бало-офатларнинг даф бўлиши, душманларни доғда қолдириш каби ишлар валийлик даражасига етган кишидан зоҳир бўлса каромат, пайғамбарлардан содир бўлса мўъжизадир. Ҳеч бир валий ўз диёнатидида содиқ ва пайғамбарининг барҳақ элчи эканлигига иқрор бўлмагунча чин валий бўла олмайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин Абу Бакр, сўнгра Умар Форук, сўнгра Усмон Зуннурайн, сўнгра Али ибн Аби Толиб (р.а.)дурлар. Халифаликлари ҳам шу тартибда кечгандир.

Халифалик — ўттиз йилдир. Ундан сўнг эса подшоҳлик ва амирлик даври келур.

Мусулмонлар учун ҳукмларни жорий қилиш, ҳадларни барпо этиш, ҳожатларини раво

қилиш, лашкарларини жиҳозлаш, садақотларини йиғиш, зўравонлик, ўғрилик ва қароқчиликни бостириш, жума ва ҳайит намозларини барпо этиш, фуқаролар ўртасида чиққан низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун берилган гувоҳликларини қабул этиш, эгалари йўқ сағир ва сағираларни (етимларни) турмуш қуришларини таъминлаш, ўлжалар тақсими ва бошқа ишларни амалга ошириш учун имом (подшоҳ) лозимдир.

Шунингдек, подшоҳ одамлар кўзидан махфий ва куттириб қўювчи эмас, балки очиқ кўриниб юривчи бўлиши лозим. Яна у Қурайш қабиласидан бўлиши шарт. Бошқадан бўлиши мумкин эмас. Бани Ҳошим ва Али авлодига ҳам хос эмас. Яна подшоҳ гуноҳлардан пок бўлиши ёки замонасининг энг афзал одами бўлиши ҳам шарт эмас.

Лекин у баркамол раҳбарлик эгаси, сиёсатдон, аҳкомларни татбиқ эттирувчи, дорил ислом ҳудудини муҳофаза қилувчи, золимдан мазлум ҳаққини ундириб берувчи бўлиши шарт.

Намозни ҳар қандай солиҳ ва фосиқ имом ортида унга иқтидо қилиб ўқиш мумкин, шунингдек, ҳар қандай солиҳ ва фосиқ мусулмонга жаноза намози ўқиш жоиздир.

Саҳобалар ҳақида фақат яхши гап гапиришга рухсат этилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) томонларидан жаннатий деб башорат берилган ўн нафар саҳобийларнинг жаннат аҳлидан бўлишларига биз ҳам гувоҳлик берамиз. (Улар — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Саъид, Абдураҳмон, Абу Убайда розийаллоҳу анҳум.)

Ватанда ҳам, сафарда ҳам пойафзал узра масҳ тортишни жоиз деб биламиз.

Хурмо ширасидан тайёрланган шароб(шарбат)ни ҳаром демаймиз.

Авлиёлар пайғамбарларнинг даражаларига ета олмайдилар.

Ҳеч бир банда Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари зиммасидан соқит бўладиган ҳолатда бўлмайди.

Оят ва ҳадислар (нусус)дан, модомики, бирор қатъий далил монелик қилмаса, зоҳирий мазмун олинаваради.

Зоҳирий маънолари қолиб, «Ботин аҳли» иддао қилган ёт талқинларга ўтиб кетиш динсизликдир. Нусусни рад этиш эса куфрдир.

Гуноҳни ҳалол деб билиш куфрдир. Уни енгил деб билиш ҳам куфрдир.

Шариатни масҳара қилиш куфрдир.

Кимки Аллоҳ таолони Унга лойиқ бўлмаган сифатлар билан сифатласа ёки исмларидан, буйруқларидан бирортасини масҳара қилса ёхуд Унинг ваъдаси ёки ваъидини инкор этса, кофир бўлур.

Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлиш куфрдир. Шунингдек, Унинг азобидан хотиржам бўлиш ҳам куфрдир.

Қоҳин — фолбиннинг ғайб тўғрисида берган хабарини тасдиқлаш куфрдир.

Йўқ нарса — нарса эмас.

Марҳумлар ҳаққида қилинган тирикларнинг дуолари ва садақа-эҳсонларида улар учун фойда бор. Аллоҳ таоло дуоларни ижобат, ҳолатларни раво қилур.

Пайғамбарнинг (с.а.в.) қиёмат аломатларидан деб берган хабарлари — Дажжол, Ер махлуқи, Яъжуж ва Маъжужларнинг чиқишлари, Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари, Қуёшнинг кун ботар тарафдан чиқиши кабиларнинг барчаси ҳақ ва ростдир.

Мужтаҳидлар гоҳида хатога кетиб, гоҳида тўғри ижтиҳод қиладилар.

Фаришталарнинг пайғамбарларидан инсонларнинг пайғамбарлари афзалдир. Оддий инсонлардан фаришталарнинг пайғамбарлари афзал. Оддий фаришталардан оддий инсонлар афзалдир.

Илоҳо, ақидамизни Ўзингнинг розилигинга мувофиқ равишда ислоҳ эт!

«БАДЪУЛ-АМОЛИЙ» МАНЗУМАСИ

Муаллифи — Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Абу Муҳаммад Сирожиддин ал-Ўший ал-Фарғоний. «Фатовойи сирожия» муаллифи. Вафоти - 569 ҳижрий/1173 милодий йил.

«БАДЪУЛ-АМОЛИЙ»

Меҳрибон ва раҳмли Алпоҳ номи ила

1. Банда (муаллиф) тавҳид фанига бағишлаб назмий услубда «Амолий» номи билан ёзган асарини шундай деб бошлайди:
2. Барча мавжудот ва махлуқот илоҳи — хоҷамиз Аллоҳ қадимдир ва комил сифатлар билан тавсиф этилувчидир.
3. У ҳамиша тирик ва барча ишларнинг тадбиркоридир. Шунингдек, У ҳақ, тақдир этувчи ва улуғлик эгасидир.
4. Бандаларнинг хайрли ва эзгу ишларининг ҳам, хунук ва ёвуз ишларининг ҳам рўёбга чиқишини ирода этувчидир, лекин ёвузликни норозилик ила ирода этар.
5. Аллоҳнинг сифатлари зотининг айнан ўзи ҳам эмас, ўзидан ажралувчи ғайр ҳам эмасдир.
6. Унинг зотия ва феълия сифатларининг барчаси қадим бўлиб, улар завол топиш ёки йўқ бўлиб қолиш каби нуқсонлардан холидир.
7. Аллоҳни нарсаси деб атаймиз. Лекин бошқа нарсалардек деб билмаймиз. Шунингдек, Уни зот деб ҳам атаймиз. Лекин Уни олти томон (ўнг, чап, олд, орт, уст, ост)дан холи деб биламиз.
8. Умнатнинг афзали — Аҳли Сунна вал-Жамоа уламолари наздида Аллоҳнинг исми ҳам Унинг Ўзини билдиради. Яъни Аллоҳга ёки Унинг исмига таъзим бажо келтириш ёхуд қасам ичиш кабиларда деярли фарқ йўқ.
9. Раббим жавҳар (модда, ядро) ҳам, жисм ҳам эмас. Бутун, баъз, зимнига олувчи каби сифатлардан ҳам холидир.
10. Олимлар зеҳни билан билинганки, бўлинмайдиган энг кичик зарра (атом)нинг борлиги ҳақдир, эй, тоғамнинг ўғли!
11. Қуръон махлуқ (кейин яратилган) эмас. Балки у қадимдир. Парвардигор каломи бандалар сўзининг жинсидан буюқдир.
12. Аршнинг парвардигори Арш узрадир, деймиз. Лекин унга ўрнашган ёки тегиб турувчи демаймиз. Балки таъзим жиҳатидан Уни осмонда, тепамизда деб мажозан айтишимиз мумкин.
13. Раҳмонга бирор жиҳатдан бирор нарсани ўхшатиш мумкин эмас. Эй, турфа мусулмон халқи, бундан сақланингиз.
14. Жазо берувчи (Аллоҳ)га ҳеч қачон вақт ҳам, йил ҳам, замон ҳам ўтмас.
15. Илоҳимнинг аёллар ва ўғил-қиз фарзандларга эҳтиёжи йўқдир.
16. Шунингдек, улуғлик ва буюқлик эгаси Аллоҳ ҳар қандай ёрдамчи ва кўмакчига ҳам муҳтож эмасдир.
17. Ўз ғолиблиги билан У барча халойиқни (қиёмат олдидан) ўлдириб, сўнгра тирилтирар. Ундан кейин уларни қилмишларига мувофиқ жазолар.
18. Аҳли хайр, солиҳ бандаларга — жаннат боғлари ва нозу неъматлар, кофирларга эса азоб-уқубат етишдан ўзга чора йўқдир.
19. Дўзах ҳам, жаннат боғлари ҳам фоний эмаслар. Уларнинг аҳли, яъни мўъминлар ва кофирлар ҳам ўрин алмашувчи эмаслар.
20. Жаннатда мўъминлар Аллоҳни кўрарлар. Лекин бирор кайфият, идрок ёки ўхшашлик билан эмас, балки Аллоҳнинг ўзига лойиқ равишда кўрарлар.

21. Аллоҳни кўрганларида мўминлар барча неъматларни унутарлар. Аллоҳни кўриш мумкин эмас, дейдиган мўътазила аҳлининг ўша куни зиён қилишини кўринг!

22. Фақатгина банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш ҳидоят ва олийлик эгаси бўлмиш муқаддас зот — Аллоҳнинг зиммасига фарз эмасдир.

23. Ўтган пайғамбарлар ва неъматга эришган улуғ фаришталарни ҳақ деб тасдиқ этиш зарур фарзлардандир.

24. Шунингдек, пайғамбарларга олийқадр, пешво, хошимий, соҳибжамол пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) билан хотима бериш, яъни ул жанобни охирги пайғамбар деб билиш ҳам зарур фарзлардандир.

25. У, сўзсиз, анбиёлар пешвоси ва ҳалалсиз, асфиёлар (фаришталар ва авлиёлар) тожидир.

26. Унинг шариати ҳамма вақт, то қиёмат ва рихлат кунигача боқийдир.

27. Меърож воқеаси ҳақ ва ростдир. У тўғрида олий хабарлар — ҳадислар бордир.

28. Пайғамбарлар қасддан гуноҳ қилиш ва вазифадан четлашиш каби нуқсонлардан хотиржамдирлар.

29. Аёл киши ҳаргиз пайғамбар бўлмаган. Шунингдек, қул ва фирибгар ҳам.

30. Искандар Зулқарнайн пайғамбар сифатида танилган эмас. Шунингдек, Луқмон ҳам. Бу хусусда баҳслашишдан ҳазар қил!

31. Исо (а.с.) албатта дунёга қайта келадилар ва бадбахт, бузғунчи Дажжолни ҳалок этадилар.

32. Валийга шу дунёда ато этилган кароматлар бор нарса. Авлиёлар Аллоҳ неъматига сазовор кишилардир.

33. Авлиё ҳеч қачон пайғамбарлардан бирор нисбатда афзал бўлмаган. Балки у пайғамбар даражасига етиши мумкин эмас.

34. Абу Бакр Сиддиқ шаксиз барча саҳобалардан ортиқ бўлганлар.

35. Умари Форук Усмон Зуннурайдан ортиқ фазилатларга эга бўлганлар.

36. Усмон Зуннурайн ҳақиқатан жанг сафида жавлон қилувчи Ҳазрати Алидан яхши (ортиқ) бўлганлар.

37. Жангари Али улардан кейинги барча мусулмонлардан ортиқдирлар.

38. Оишаи Сиддиқа баъзи хислатлари билан Фотимаи Заҳродан ортиқлик қилурлар.

39. Муовиянинг ўғли Язидни, унинг ўлимидан сўнг ўта ифвогар ва шаллақи одамдан бошқалар лаънатламаган.

40. Тақлид қилувчи (ўз имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони ҳам эътиборлидир. Бунга найзадек ўткир далиллар бор.

41. Ақлли одамдан паст-баландликларни яратувчиси — Аллоҳни танимадим деган узри қабул қилинмагай.

42. Кишининг ўлими олдидан (кечикиб) келтирган имони қабул қилинмагай. Зеро, у олдинроқ итоат этмади.

43. Савобли ва хайрли амаллар гарчи доимий фарз қилинган бўлса-да, имондан ҳисобланмайди.

44. Зино, қотиллик, ўғрилик каби гуноҳлар сабабидан мусулмон одамни куфрга ҳукм қилинмайди. Балки у гуноҳкор саналади.

45. Бирор маълум муддатдан кейин диндан қайтишни ният қилган одам ҳақ дин (ислом)дан дарҳол чиқиб қолур.

46. Ихтиёрий ҳолатда айtilган куфр лафзи, ўзини ғафлатга солгани ва бепарволиги учун диндан қайтиш (муртадлик) ҳисобланади.

47. Маст ҳолатда ўйламай алжираб айтган беҳуда сўзлари туфайли куфрга ҳукм қилинмайди.

48. Яратилмаган нарса Аллоҳга кўринувчи ҳам эмас ва у нарса деб ҳам аталмайди. Бу

баракотли ой ҳилолидек илмий далиллар билан исботланган.

49. Дунё, балки Аллоҳдан ўзга бутун борлиқ қадим эмас, аксинча, кейин яратилгандир. Даҳрийлар даъво қилган «модда - асл, дунё унинг маҳсули»,— деган ақида нотўғридир. Буни шодлик билан тинглагин.

50. Ҳаром ҳам худди ҳалолдек ризқ саналади, гарчи бу сўзимни барча ёқтирмайдиган кишилар ёқтирмасалар ҳам.

51. Дуога шак йўқ. Яъни тириклар ва ўликлар ҳаққига қилинган дуоларнинг таъсири кучлидир. Буни адашган тоифалар рад этурлар.

52. Ҳар бир шахс Раббимнинг тавҳиди тўғрисида синов учун қабрда сўроққа тутилади. Яъни Раббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким - каби саволлар берилур.

53. Кофирлар ва баъзи гуноҳкор мўминлар ёмон феъллари туфайли азоблашга ҳукм қилинур.

54. Қиёмат куни қайта тирилтирилганларидан сўнг барча одамлар Ҳақ таоло ҳузурида ҳисобот берурлар. Бас, гуноҳ ишлардан четроқ юринг.

55. Ўша куни баъзиларга номаи аъмоли (қилмишлари ёзиб қўйилган китоби) ўнг тарафидан, баъзиларга орқа тарафидан, баъзиларга эса чап тарафидан берилур.

56. Қиёмат куни қилинган амалларнинг тарозуда тортилиши, Пулсирот номли қилкўприқдан ўтиш ҳеч қандай даъвосиз ҳақдир.

57. Тоғлардек улкан гуноҳ қилиб ўтганлар учун яхши одамлар (Пайғамбарлар, авлиёлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳ бандалар) томонидан шафоат қилиниб, гуноҳларидан ўтишни сўрашлик умид қилинадиган ишдир.

58. Имонли киши гуноҳларининг шумлиги сабабли оташи дўзахда боқий қолмас.

59. Тавҳид илмига назм либосини кийдирдим. У бадий шакл олиб, ҳалол сеҳрга айланди.

60. У дилни хушхабардек роҳатлантиради ва руҳга оби зилолдек ҳаёт бахш этади.

61. Уни ёдлаб, дилга жо этиб, чуқур ўргансангиз, (ҳаққа) етишганлар жамоасига қўшилурсиз.

62. Бу бандаи ожизни яхшилик билан илтижоларда хотирлаб, унга доимо ёрдам кўрсатинг.

63. Шояд Аллоҳ уни ўз фазли ила афв этиб, охиратда саодат ато этса.

64. Мен эса тоқатим борича қачондир менинг ҳаққимга яхшилик билан дуо қилувчи киши ҳаққига тинмай дуо қилмоқдаман.